ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ШНҚ 2.09.19-22 «НЕФТЬ ВА НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ОМБОРХОНАЛАРИ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 16 августда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 276]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартдаги ПФ-5963-сон «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.09.19-22 «Нефть ва нефть маҳсулотлари омборхоналари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 1996 йил 11 сентябрдаги 88-сон буйруғи билан тасдиқланган ҚМҚ 2.09.19-97 «Нефть ва нефть маҳсулотлари омборхоналари» қурилиш меъёрлари ва қоидалари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

4. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Биринчи ўринбосар Ш. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 25 июль,
01/2-36-сон
Келишилди:

Тоғ-кон саноати ва геология вазири Б. ИСЛАМОВ

2024 йил 11 июнь

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А. АБДУХАКИМОВ

2024 йил 1 июль

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси Б. ЮСУПАЛИЕВ

2024 йил 14 июнь

Энергетика вазири Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ

2024 йил 12 июль

Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ

2024 йил 20 июль

Ўзбекистон Республикаси
қурилиш ва уй-жой коммунал
ҳўжалиги вазирининг
2024 йил 25 июлдаги
01/2-36-сон буйруғига
ИЛОВА

ШНҚ 2.09.19-22 “Нефть ва нефть маҳсулотлари омборхоналари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) нефть ва нефть маҳсулотлари омборхоналарини (бундан буён матнда омборхона деб юритилади) лойиҳалаш ҳамда уларни реконструкция қилишга оид талабларни белгилайди.

Ушбу ШНҚнинг талаблари қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

ҳарбий объектларнинг омборхоналарига;

суюлтирилган газ омборхоналарига;

20 °С ҳароратдаги буғлар босими 93,6 kPa (симоб устунининг 700 mm) дан юқори бўлган босимдаги нефть ва нефть маҳсулотларини сақлаш омборхоналарига;

синтетик ёғлар ўрнини босувчи моддалар сақланадиган омборхоналарга;

тоғ жинсларидаги ер ости ва тош туз қатламларидаги омборхоналарга;

нефть ва нефть маҳсулотларининг технологик қурилмалари таркибига кирувчи резервуарлар ва бошқа сиғимларга.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар

1. Мазкур ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар келтирилган:

ҚМҚ 2.01.05-19 “Табиий ва сунъий ёритиш”;

ҚМҚ 2.03.11-96 “Қурилиш конструкцияларини коррозиядан ҳимоя қилиш”;

ҚМҚ 2.04.04-96 “Пластмасса қувурли сув таъминоти ва канализация тармоқларини лойиҳалаш ва монтаж қилиш бўйича йўриқнома”;

ШНҚ 2.04.12-22 “Пўлат қувурўтказгичларни мустаҳкамликка ҳисоблаш”;

ҚМҚ 2.09.03-02 “Саноат корхоналарининг иншоотлари”;

ШНҚ 2.07.01-23 “Аҳоли пунктларининг ҳудудларини ривожлантириш ва қуришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш”;

ШНҚ 2.01.02-04 “Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги”;

ҚМҚ 2.01.03-19 “Сейсмик ҳудудларда қурилиш”;

ШНҚ 2.04.09-07 “Бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси”;

ШНҚ 2.01.19-22 “Портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўлган хоналар, бино ва иншоотлар ҳамда ташқи қурилмалар тоифаларини аниқлаш”;

ШНҚ 2.09.17-21 “Саноат корхоналарининг бош режаларини лойиҳалаш”;

ҚМҚ 2.04.05-97 “Иситиш, вентиляция ва кондициялаш”;

ГОСТ 1510–22 “Нефть ва нефть маҳсулотлари. Ёрлиқлаш, қадоқлаш, ташиш ва сақлаш” (*расмий манба: “Нефть и нефтепродукты. Маркировка, упаковка, транспортирование и хранение”*);

ГОСТ 9238-2013 “Темир йўл ҳаракат таркибининг ўлчамлари ва қурилишнинг тахминий кўрсаткичлари” (*расмий манба: “Габариты железнодорожного подвижного состава и приближения строений”)*;

ГОСТ 25812–83 “Пўлат магистрал қувурлари. Коррозиядан ҳимоя қилишга қўйилган умумий талаблар” (*расмий манба: “Трубопроводы стальные магистральные. Общие требования к защите от коррозии”*).

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Ушбу ШНҚда қуйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

маҳсулот насос станцияси – биноларда, усти ёпиқ шийпонда ёки очиқ майдончада ўрнатилган ҳамда нефть ва нефть маҳсулотларини ҳайдашга мўлжалланган насос агрегатлари гуруҳи;

қуйилма – нефть маҳсулотларини идишларга (бочка) қуйишга мўлжалланган қурилмалар билан жиҳозланган иншоот;

қуйиш-тўкиш қурилмаси – нефть ва нефть маҳсулотларини темир йўл ёки автомобиль цистерналари ва танкерларидан оқизиб олиш ёки уларга қуйишга мўлжалланган техник восита;

каземат – ер ости пўлат резервуар атрофидаги баландлиги бўйича резервуар деворининг устигача етмайдиган тиргак девор билан иҳоталанган, кенглиги камида 1 m бўлган ҳалқа шаклидаги ўтиш йўлаги.

3-боб. Умумий қоидалар

3. Ишлаб чиқаришни (биноларда ҳамда омборхоналардаги иншоотларда жойлаштирилган портлаш, портлаш-алангаланиш ва ёнғин хавфи бўйича) тоифалаш технологик талабларга мувофиқ бажарилиши лозим.

4. Нефть ва нефть маҳсулотлари буғларининг алангаланиш ҳароратига боғлиқ равишда ушбу маҳсулотлар алангаланиш ҳарорати 61 °C ва ундан паст бўлган енгил алангаланувчи ҳамда алангаланиш ҳарорати 61 °C дан юқори бўлган ёнувчан гуруҳларга ажратилиши керак.

5. Омборхоналар икки гуруҳга бўлиниши лозим:

биринчи гуруҳ:

нефть ва нефть маҳсулотларини сақлаш ва турли тоифадаги истеъмолчиларни улар билан таъминловчи омборхоналар;

нефть ва газни қайта ишлаш, нефть ва газ қазиб олиш, нефт-кимё ва газ-кимё корхоналарининг маҳсулот хомашё омборхоналари (парклари);

бош нефть узатгич ва нефть маҳсулотларини узатувчи насос станцияларнинг резервуар парклари;

нефть ва нефть маҳсулотларини жўнатиш омборлари (базалари);

иккинчи гуруҳ – корхоналар (саноат, энергетик) таркибига кирувчи омборхоналар.

6. Нефть маҳсулотларини сақлаш ва истеъмолчиларни таъминлашга мўлжалланган сиғими 1000 m^3 гача бўлган енгил алангаланувчи нефть маҳсулотлари ёки 5000 m^3 гача ёнувчан нефть маҳсулотлари учун мўлжалланган омборхоналар иккинчи гуруҳ омборхоналарига қўйиладиган талабларга мувофиқ лойиҳаланиши керак.

Енгил алангаланувчи ва ёнувчан нефть маҳсулотларини бир вақтда бирга сақлаш ушбу ШНҚнинг 6-жадвали бўйича аниқланиши лозим.

7. Резервуарлар, шунингдек нефть ва нефть маҳсулотларини идишларда сақлаш учун мўлжалланган омбор бинолари ҳамда иншоотлари қуйидагиларга бўлиниши керак:

ер ости (грунт ичида жойлашган ёки грунт билан кўмилган, агар резервуардаги суюқликнинг энг юқори сатҳи (омбор биноси ёки иншотида қуйиладиган суюқликнинг энг юқори сатҳи омборга туташган майдоннинг энг паст режавий сатҳидан камида 0,2 m пастда бўлса ушбу майдон резервуар ёки бино, иншоот деворидан 3 m масофа чегарасида жойлашганда);

ер усти (резервуралар ҳамда нефт ва нефт маҳсулотлари идишлари сақланадиган бино ёки иншоотлар юқоридаги талабни таъминламаса).

8. Грунт билан тўлдириш кенглиги тўкилган сувнинг гидростатик босими учун ҳисоблаш орқали белгиланиши, бироқ вертикал (цилиндрик ва тўғри тўртбурчак) резервуарлар учун юқори қисми бўйлаб ҳамда резервуар деворининг исталган нуқтасидан грунт қиялилиги камида 3 m бўлиши керак.

9. Нефть ва нефть маҳсулотларини сақлаш учун мўлжалланган резервуарларни ёпиқ хоналарда (казематларда) жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

10. Омборхоналарнинг ишлаб чиқариш биноларини (насос станциялари, қуйиш, ўлчаш, тарқатиш, нефть маҳсулотларини резервуарларда сақлаш, лабораториялар) ушбу ШНҚга мувофиқ лойиҳалаш лозим.

11. Омборхоналарнинг иншоотларини (эстакадалар, каналлар, ер ости йўллари) ушбу ШНҚга асосан лойиҳалаш керак.

12. Омборхоналарда ишловчилар учун ёрдамчи бино ва хоналар ушбу ШНҚнинг ишлаб чиқариш ва маиший биноларни лойиҳалаш бобига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

13. Омборхоналардаги бино ва иншоотларнинг (металл резервуарлар бундан мустасно) оловбардошлилиги камида II даражали бўлиши керак.

14. Нефть ва нефть маҳсулотларини ташиш қувурлари 10 МРа гача пўлат кувурўтказгичлар мустаҳкамлилигини ҳисоблашга оид ШНҚга, ҚМҚ 2.04.04-96, ШНҚ 2.04.12-22 ва ушбу ШНҚнинг 3-иловасига мувофиқ лойиҳаланиши керак.

15. Омборхоналардаги бинолар ва иншоотларнинг қурилиш конструкцияларини коррозиядан ҳимоялаш ҚМҚ 2.03.11-96, шунингдек нефть ва нефть маҳсулотлари учун мўлжалланган резервуарлар конструкциясининг ички юзасини ҳимоялаш ГОСТ 1510-22 талаблари асосида бажариш лозим.

16. Нефть ва нефть маҳсулотлари учун қувур ўтказгичларни коррозиядан ҳимоя қилишда қуйидагиларга риоя қилиш зарур:

ер остида ва ер устида ётқизилганда ГОСТ 25812–83да белгиланган талабларга;

технологик талаблар бўйича иситиладиган қувурўтказгичларни кечувсиз анҳорларда ёки ер устида ётқизишда қувурлар ташқи сиртини ҳимоялашга қўйиладиган талабларга.

17. Омборхоналарни лойиҳалашда атрофдаги табиий муҳит (сув резервуарлари, тупроқ, ҳаво) ифлосланишининг олдини олувчи тадбирлар таъминланиши керак.

18. Ишлатилган нефть маҳсулотлари йиғиладиган жойлар (бино, иншоотлар)ни биринчи гуруҳ омборлари учун қўйиладиган талабларга мувофиқ лойиҳалаш лозим.

19. Омборхоналар турар жой, ишлаб чиқариш ва жамоат бино (иншоот)ларининг шамолнинг асосий (устувор) эсиш йўналишига тескари томонда жойлаштирилиши зарур.

Резервуарларнинг портлашдан хавфли ҳудудидаги электртехник ускуналар ГОСТ 12.2.020, ГОСТ 22782.0 га мувофиқ бўлиши керак.

4-боб. Биринчи гуруҳ омборлари

20. Биринчи гуруҳ омборхоналари уларнинг ҳажмларига боғлиқ ҳолда қуйидаги 1-жадвалга кўра учта тоифага ажратилиши лозим.

1-жадвал

Омборхоналарнинг сиғим бўйича тоифаси	Омборхоналарнинг сиғими, m^3
I	100000 дан ортиқ
II	20000 дан ортиқ 100000 гача
III	20000 гача
Изоҳ. Омборхоналарнинг умумий сиғими резервуарлар ва идишларда сақланадиган маҳсулотлар ҳажмининг йиғиндиси билан аниқланади (қуйиш-тақсимлаш қурилмаларининг оралиқ резервуарлари ҳамда омборхонанинг қозон хонаси ва дизель электростанциясининг сарф резервуарлари сиғимлари бундан мустасно).	

21. Омборлар дарё суви четидан 200 m ва ундан кам масофада жойлашганда (сувнинг энг юқори сатҳида) уларни лойиҳалашда резервуарларда авария содир бўлганда нефт ва нефт маҳсулотларининг аҳоли пунктлари, корхоналар ҳудудига, умумий тармоқдаги темир йўл изларига ёки сув ҳавзаларига оқишининг олдини олиш учун қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур.

Портлаш, портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи ва ёнғин хавфига эга бўлган ишлаб чиқариш нефть ва нефть маҳсулотлари бинолари ва иншоотларига (идишларда сақлаш парклари ҳамда тўкиш-қуйиш қурилмаларидан) қўшни бўлган корхоналар, аҳоли пунктларининг турар жой объектлари ҳамда жамоат бинолари ва иншоотларигача бўлган масофалар ушбу ШНҚнинг 1-иловасидаги жадвалга мувофиқ бўлиши керак.

22. Омборхоналарнинг резервуар паркларига қўшни аҳоли пунктлари, корхоналар, темир йўлларнинг умумий тармоқлари жойлашган ер сатҳидан пастда жойлаштирилиши зарур.

23. Нефть ва нефть маҳсулотлари сақланадиган паркларни қўшни аҳоли пунктлари, корхоналар ҳудуди ва умумий тармоқдаги темир йўл излари сатҳига нисбатан юқори сатҳга эга бўлган майдончаларга (резервуар паркидан 200 m гача масофада ўрнашган) жойлаштиришда резервуарларда авария содир бўлганда нефт ва нефт маҳсулотларининг аҳоли пунктлари, корхоналар ҳудудига, умумий тармоқдаги темир йўл изларига ёки сув ҳавзаларига оқишининг олдини олиш учун қўшимча чора-табирлар амалга оширилиши зарур.

Нефть ва нефть маҳсулотларини сақлаш парклари сув резервуарлари жойлашган кенгликда (полосада) сув четидан кўпи билан 200 m гача (сувнинг знг юқори сатҳида) масофада бўлганда ҳам таъминланиши керак.

24. Омборхоналар (дарё оқими бўйича) қирғоқлар, гидроэлектрстанциялар, гидротехник иншоотлардан қуйидаги масофаларда жойлаштирилиши зарур:

I тоифа омборхоналар – 3000 m;

II тоифадаги омборхоналар – 2000 m;

III тоифа омборхоналар – 1500 m;

қолган объектлардан – 1000 m.

25. Нефть ва нефть маҳсулотлари ер усти резервуарларидан омборхона бинолари ва иншоотларигача бўлган масофа ушбу ШНҚнинг 2-иловасига мувофиқ бўлиши керак.

26. Омборхоналар бинолари ва иншоотларидан (резервуарларни ва ушбу ШНҚнинг 2-иловасидаги жадвалнинг 5 ва 6-бандларида келтирганлари бундан мустасно) енгил алангаланувчи нефть ва нефть маҳсулотлари учун қўйиш-тақсимлаш қурилмаларигача масофа камида 15 m, ёнувчи нефть ва нефть маҳсулотлари учун эса 10 m бўлиши лозим.

27. Очиқ алангадан фойдаланувчи ишлаб чиқариш жараёнига эга бўлган омборхонадан қуйидаги объектларгача масофа енгил алангаланувчи нефть ва нефть маҳсулотлари учун камида 40 m ва ёнувчи маҳсулотлар учун 30 m бўлиши керак:

қуйиш-тақсимлаш қурилмаларигача (темир йўл ва автомобиль цистерналари учун),

маҳсулот насос станциялари ҳамда уларнииинг сўргичлари тугунлари учун мўлжалланган майдончаларгача;

ишлаб чиқариш оқова сувлари (нефть ва нефть маҳсулотли) учун канализация насос станциялари ва тозалагич иншоотларгача;

қуювчи, тақсимловчи ва тарқатувчи омбор бинолари ҳамда нефть маҳсулотларини резервуарларда сақлаш майдончаларгача;

ишлатилган идишларни сақлаш майдончаларгача.

28. Унумдорлиги 10000 m^3/h ва ундан ортиқ бўлган насос станциялари майдончаларни 60 m гача узайтиришга йўл қўйилади.

29. Суюқлик сирти очиқ бўлган ишлаб чиқариш оқова сувлар (нефть ва нефть маҳсулотлари бўлган) учун канализация тозалаш иншоотлари (тиндиргич ҳовузлар, нефть тутқичлар)дан омборхона бинолари ва иншоотларигача (резервуарлар ва ушбу ШНҚнинг 3-жадвалида келтирилган бинолар ва иншоотлар бундан мустасно) масофа камида 30 m, қолган канализация тозалаш иншоотларигача масофа эса 15 m бўлиши керак.

30. Канализация тозалаш иншоотларининг бинолари ва иншоотлари орасидаги масофани нефть ва газ саноати корхоналари, бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш учун мўлжалланган техник талабларга мувофиқ белгилаш лозим.

31. Идишларга солинган нефть маҳсулотлари учун омборхона биноларини темир йўл изларига нисбатан қурилмаларнинг яқинлашиш ўлчамлари мос тарзда ГОСТ 9238-2013 бўйича жойлаштириш керак.

32. Омборхонанинг бино ва иншоотлари орасидаги масофа, муҳандислик тармоқларининг жойлашиши ШНҚ 2.09.17-21 талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

33. Омборхонанинг нефть ва нефть маҳсулотларини ташишга мўлжалланган қувурўтказгичларидан (2,5 MPa (~25 kgf/cm^2 гача бўлган босим) омборхонанинг бино ва иншоотлари ҳамда бошқа муҳандислик тармоқларигача масофани ушбу ШНҚнинг 3-иловасига мувофиқ белгилаш лозим.

34. Омборхонадан ташқарида (қуйиш-тақсимлаш темир йўл эстакадаларига, қозонхона қурилмалари ва омборхонанинг авто таъминот станциялари, нефть ва нефть маҳсулотларининг қўшни омборхоналарига) ўтказиладиган ер ости қувурўтказгичларидан контакт тармоғи ва алоқа таянчлари иҳотаси, темир йўл ва автомобиль йўллари, электр узатиш ҳаво линиялари таянчлари пойдеворигача масофани аҳоли пунктларини режалаштириш бўйича юқори босимли газ ўтказгичлар учун (0,6 дан юқори 1,2 MPa гача (6 дан юқори 12 kgf/cm^2 гача) белгиланган масофага тенг қилиб олиш керак.

35. Қувурўтказгичлардан бинолар ва иншоотлар пойдеворигача масофа қуйидагича бўлиши керак:

диаметри 300 mm гача бўлган кувурўтказгичлардан – 15 (10) m;

диаметри 300 mm дан ортиқ кувурўтказгичлардан – 25 (15) m, (бунда қавс ичида келтирилган масофа фақат ёнувчи нефть ва нефть маҳсулоти қувурўтказгичлари учун келтирилган).

36. Аҳоли пунктларида ётқизиладиган нефть ва нефть маҳсулотлари учун мўлжалланган қувурўтказгичларнинг ишончлилигини таъминлаш, барча пайванд чокларини синовлар орқали 100 фоиз назорат қилиш, қувурўтказгичларни икки карра ишчи босимга тенг, бироқ барча ҳолларда қувур металли оқиш чегарасининг 0,9 га тенг бўлган кучланишни юзага келтирадиган босимдан ортиқ бўлмаган босимда синаш, қувурўтказгичларда босим тушганда маҳсулот ҳайдовчи насослар ва ушбу қувурўтказгичларни узиб қўйиш учун ёпқич арматура ишлатилиши керак.

37. Резервуар парклари чегаралари гуруҳларининг орасида ва қуйиш-тақсимлаш қурилмалари майдончаларига ўтиш учун юриш қисми кенглиги 3,5 m ва тўр қопламали ўтиш йўллари лойиҳаланиши зарур.

Марзалар бўйлаб йўллар ва ўтиш йўлларини лойиҳалашга йўл қўйилмайди.

38. Йўллар ва ўтиш жойларини ўралган тарзда лойиҳалашга йўл қўйилмайди.

Ички автомобиль йўллари ҳамда ўтовлардан омборхоналарнинг портлаб-ёниш ва ёнғинга хавфи бўлган бинолари ҳамда иншоотларигача масофа камида 5 m бўлиши зарур (резервуарлар бундан мустасно).

39. I ва II тоифали омборхоналарда умумий тармоқ автомобиль йўлларига ёки омборхона ўтиш йўлига олиб борувчи иккита чиқиш йўлаги бўлиши керак.

40. Омборхоналарнинг ҳудуди икки томондан (энг яқин йўл ўқидан бошлаб ҳисобланганда) қуйиш-тақсимлаш қурилмалари билан жиҳозланган темир йўл эстакадаларидан 15 m масофада ҳамда омборхонанинг бошқа бинолари ва иншоотларидан (маъмурий ва ёрдамчи бинолар бундан мустасно) 5 m масофада жойлашган 2 m баландликдаги деворга эга бўлиши лозим.

41. Омборхоналар майдонларидаги қурилмалар зичлиги қуйидагича бўлиши зарур:

I тоифа омборхоналар учун – камида 30 фоиз;

II тоифа омборхоналар учун – камида 25 фоиз;

III тоифа омборхоналар учун – камида 20 фоиз.

5-боб. Резервуар парклари

42. Нефть ва нефть маҳсулотлари резервуар парклари учун оптимал ўлчамлардаги резервуарлардан фойдаланиш зарур.

43. Нефть ва нефть маҳсулотларининг резервуарлари парклари учун уларнинг тоифалари ва гуруҳларидан қатъий назар идиш турлари ГОСТ 1510-22га мувофиқ бўлиши лозим.

Қотиш ҳарорати 0 °С дан юқори бўлган нефт ва нефт маҳсулотлари учун сузувчи қопқоқли ёки понтонли резервуарларни қўллашга йўл қўйилмайди, ушбу маҳсулотлар учун (тўйинган буғ босимидан қатъий назар) турғун қопқоқли резервуарлар бўлиши керак.

44. Резервуарларни гуруҳларга бўлиб жойлаштириш зарур.

45. Бир гуруҳдаги резервуарларнинг умумий сиғими қуйидагилардан ортиқ бўлмаслиги лозим:

сузувчи қопқоқли ёки понтонли резервуарлар гуруҳи 50 000 m^3 ва ундан катта ҳажмли резервуарлардан иборат бўлса – 200000 m^3;

сузувчи қопқоқли ёки понтонли резервуарлар гуруҳи 50 000 m^3 дан кичик ҳажмдаги резервуарлардан иборат бўлса – 120000 m^3.

46. Турғун қопқоқли резервуарлар гуруҳи чақнаш ҳарорати 45 °С дан юқори бўлган нефть ва нефть маҳсулотлари сақланса, 120000 m^3 ҳамда чақнаш ҳарорати 45 °С ва ундан паст бўлган нефть ва нефть маҳсулотлари сақланса – 80000 m^3 бўлиши керак.

47. Сузувчи қопқоқли резервуар ҳажми – 120000 m^3 ва понтонли ёки турғун қопқоқли резервуарлар ҳажми – 50000 m^3 дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

48. Ер ости резервуарининг сирти юзаси 7000 m^2 дан ва ер ости резервуарлари гуруҳининг умумий сирти юзаси 14000 m^2 дан ортиқ бўлмаслиги керак.

49. Сиғими 10000 m^3 ва ундан ортиқ бўлган резервуарларни гуруҳлари бир ёки икки қаторда жойлаштириш зарур.

50. Битта гуруҳда жойлашган нефть ва нефть маҳсулотлари сақланадиган ер усти резервуарларининг деворлари орасидаги масофа қуйидагича бўлиши лозим:

сузувчи қопқоқли резервуарлар учун – 0,5 Д (Д – резервуарнинг ташқи диаметри);

понтонли резервуарлар учун – 0,65 Д (Д – резервуарнинг ташқи диаметри);

турғун қопқоқли резервуарлар учун – 0,75 Д (Д – резервуарнинг ташқи диаметри).

Бироқ, битта гуруҳда жойлашган нефть ва нефть маҳсулотлари сақланадиган ер усти резервуарларининг деворлари орасидаги масофа кўпи билан 30 m бўлиши керак ушбу ШНҚнинг 144-бандида келтирилганлари бундан мустасно).

51. Турли хил ва ўлчамли резервуарлар орасидаги масофа ушбу резервуарлар учун белгиланган масофадан энг каттаси олиниши керак.

52. Нефть за нефть маҳсулотлари учун ҳажми 400 m^3 гача бўлган резервуарларни гуруҳлаб битта майдончада умумий ҳажми 4000 m^3 гача жойлаштирилиши, бунда уларнинг деворлари орасидаги масофа нормаланмайди.

Ҳажми 4000 m^3 бўлган қўшни гуруҳларнинг энг яқин резервуаригача бўлган масофа 15 m бўлиши лозим.

53. Сиғими 4000 m^3 гача бўлган ер усти резервуарларининг резервуарлар паркининг ташқи тўсиғи (марзаси)дан ташқарида жойлашган ҳар бир гуруҳи вертикал резервуарлар учун баландлиги 0,8 m, горизонтал резервуарлар учун 0,5 m уюлган грунтли марза ёки девор билан ўралган бўлиши зарур.

54. Битта гуруҳ ер ости резервуарларининг деворлари орасидаги масофа камида 1 m бўлиши керак.

55. Қўшни гуруҳларда жойлашган энг яқин резервуарлар деворлари орасидаги масофа қуйидагича бўлиши лозим:

ер усти резервуарлари – 40 m;

ер ости резервуарлари – 15 m.

56. Ҳар бир қуруқ ер усти резервуарларни ушбу резервуарларда сақланувчи барча суюқликни сиғдирувчи алоҳида ўрада жойлаштирилганда қўшни резервуарларнинг юқориги четлари орасидаги масофа 15 m бўлиши зарур.

57. Ер усти резервуарларининг ушбу ШНҚнинг 45 – 47-бандларида келтирилган катталикдан ортиқ бўлмаган умумий сиғимли ҳар бир гуруҳи тепасининг кенглиги камида 0,5 m бўлган туташ, грунт уюми билан ёки ёйилган суюқликнинг гидростатик босимига ҳисобланган девор билан тўсилиши керак.

Резервуарлар гуруҳи ташқи тўсиғининг баландлиги ёйилган суюқликнинг ҳисобий ҳажми сатҳидан 0,2 m юқори бўлиши, бироқ сиғими кўпи билан 10000 m^3 бўлган резервуарлар учун камида 1 m ҳамда сиғими 10000 m^3 ва ундан ортиқ бўлган резервуарлар учун 1,5 m бўлиши лозим.

58. Ўраманинг ички нишаби ёки тўсувчи деворлар орасида ҳосил бўлувчи ҳажмни гуруҳдаги энг катта резервуар ёки якка турган резервуар ҳажмига тенг бўлган ёйилган суюқликнинг ҳисобий ҳажми бўйича аниқлаш зарур.

59. Резервуарлар деворларидан ўраманинг ички нишаби пастки четигача ёки тўсувчи деворларгача масофани камида: ҳажми 10000 m^3 дан кичик резервуарлар учун 3 m, ҳажми 10000 m^3 ва ундан ортиқ бўлган резервуарлар учун 6 m қилиб олиш керак.

60. Ҳажми 20000 m^3 ва ундан ортиқ ёки йиғинди сиғими 20000 m^3 бўлган бир нечта кичик резервуарлар битта гуруҳ чегараларида, шунингдек этилли бензинлар сақланадиган резервуарлар гуруҳнинг бошқа резервуарларидан, сиғими 10000 m^3 дан кичик резервуарлар ҳолида баландлиги 0,8 m бўлган ва сиғими 10000 m^3 ва ундан ортиқ резервуарлар 1,3 m бўлган ички грунт уюми ёки деворлар билан ажратилишлари лозим.

61. Тоифалари I ва II бўлган омборхоналарда битта гуруҳда резервуарларда мазутлар, мойлар ва бошқа нефть маҳсулотлари сақланган ҳолларда мойли ва мазутли резервуарлар гуруҳнинг бошқа резервуарларидан ички грунт уюмлари ёки деворлар билан ажратилиши зарур.

62. Ер ости резервуарларининг ўраб олинишига уларда нефть ва мазут сақланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

63. Ўраманинг ички нишаблари орасида ҳосил бўладиган ҳажм гуруҳдаги энг катта ер ости резервуарининг 10 фоиз суюқлиги ёйилганда ушбу ёйилган суюқликни тутиб қолиш шартидан аниқланиши лозим.

64. Нефть ва мазут сақланадиган ер ости резервуарлари гуруҳини ушбу резервуарлар гуруҳи атрофидаги автомобиль йўлларининг грунт тасмаси нишаблари орасида ҳосил бўлувчи ҳажм кўрсатилган шартларни таъминлаганда ўрамасликка йўл қўйилади.

65. Ўрамадан ёки тўсиқ девордан ўтиш учун (тўсиқнинг қарама-қарши томонларида) резервуарлар гуруҳи учун тўртта ва айрим турган резервуарлар учун камида иккита нарвонли ўтиш жойлари лойиҳаланиши керак.

66. Зулфинлар (задвижкалар) қисмлари резервуарлар гуруҳлари ўрамалари (тўсувчи деворлари)нинг ташқи томонида жойлаштирилиши лозим.

Асосий ёпув қурилмасини бевосита резервуар яқинида ўрнатиш зарур.

67. Резервуар паркини ўраб турувчи марза (тўсиқ) ичида зулфинлар (задвижкалар) ўрнатишга йўл қўйилмайди (резервуарнинг қабул қилиш ва тарқатиш найчаларига ўрнатилган турғун (қимирламайдиган ҳамда ёнғин ўчириш тизимига доир зулфинлар (задвижкалар) бундан мустасно).

Ҳар бир резервуар гуруҳи атрофи, тўкилган суюқликларнинг гидростатик босимига бардош бера оладиган, кенглиги камида 0,5 m бўлган грунтли марза ёки ёнмайдиган материалдан тайёрланган тўсиқ-девор билан ўраб чиқилиш керак.

Битта резервуар гуруҳидаги ҳар бир ҳажми 20000 m^3 дан юқори бўлган резервуарларни ёки бир неча турдаги, бироқ умумий ҳажмининг йиғиндиси 20000 m^3 гача бўлган резервуарларни ички марза ёки тўсиқ деворлар билан ажратиш лозим.

68. Ички марза ёки тўсиқ деворнинг баландлиги қуйидагича бўлиши керак:

ҳажми 10000 m^3 ва ундан юқори бўлган резервуарлар учун – 1,3 m;

бошқа резервуарлар учун – 0,8 m.

69. Ички йўллар ва ўтиш жойларида ёнғин ўчириш воситаларини ишлатиш имконияти бўлмаганда, икки ёки ундан кўп қаторли резервуар гуруҳлари ичига кўчма ва транспортировка қилинадиган ўт ўчиргичлар кирадиган жойлар лойиҳаланиши керак.

70. Марза ёки тўсиқ девордан ўтиш ҳамда резервуар устига чиқиш учун марза ёки девор тўсиқнинг ташқи тарафига эни камида 0,7 m бўлган ўтиш нарвонлари ўрнатилиши, бунда нарвонлар сони резервуарлар гуруҳи учун 4 та, алоҳида резервуарлар учун 2 та бўлиши зарур.

Марзадан ўтиш жойи ва резервуарга турғун ҳолатда ўрнатилган нарвонлар оралиғидаги масофага эни камида 0,7 m ва қаттиқ қопламали пиёдалар учун йўл (тротуар) қурилиши, марза ичидаги қувурларни фақат пайвандлаш йўли билан улаш зарур.

71. Резервуар паркидан ишлаб чиқариш-ёнғин канализациясига қуйидагилар чиқарилиши керак:

резервуарлардаги маҳсулот остида ҳосил бўлган ишлаб чиқариш оқова сувлари;

қор эриши туфайли ҳосил бўлган атмосфера сувлари;

ёнғин пайтида резервуарни совутиш учун сепилган сув.

72. Ёнғин ўчириш қудуқларини гидравлик тўсиқларнинг чиқиш жойи орқали ишлаб чиқариш ёнғин канализациясига улаш лозим.

6-боб. Идишларга солинган нефть маҳсулотлари учун омборхонанинг бино ва иншоотлари

73. Идишлардаги нефть маҳсулотларини иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда бинолар ёки усти ёпиқ майдончаларда сақлаш зарур.

Алангаланиш ҳарорати 45 °С дан юқори бўлган нефть маҳсулотларини очиқ майдончаларда сақлашга йўл қўйилади.

Идишлардаги ёнувчи нефть маҳсулотлари учун омборхона бинолари уч қаватли ҳамда I ва II тоифалардаги биноларнинг ёнғинга чидамлилик даражасидан баланд бўлмаслиги, енгил алангаланувчи нефть маҳсулотлари учун эса бир қаватли бўлиши лозим.

74. III тоифа омборхоналар учун алангаланиш ҳарорати 120 °С дан юқори бўлган нефть маҳсулотларидан 60 m^3 гача миқдорда сақлаш учун ёнувчи материаллардан ер ости иншоотларини лойиҳалашга йўл қўйилади, бунда ушбу иншоотларни қалинлиги камида 0,2 m бўлган грунт қатлами билан зичлаб ёпиш ҳамда уларда ёнмайдиган материаллардан тўшама бўлиши керак.

75. Идишлардаги нефть маҳсулотлари учун омборхона бинолари оловга бардошлилик чегараси камида 0,75 h ёнмайдиган деворлар (тўсиқлар) билан ҳар бирининг сиғими 200 m^3 дан ортиқ бўлмаган енгил алангаланувчи ҳамда 1000 m^3 дан ортиқ бўлмаган ёнувчи нефть маҳсулотлари омборхона хоналарига ажратилиши керак.

Идишлардаги нефть маҳсулотлари учун битта омборхона биносининг умумий сиғими енгил алангаланувчи нефть маҳсулотлари учун 1200 m^3 дан ва ёнувчи нефть маҳсулотлари учун 6000 m^3 дан ортиқ бўлмаслиги зарур.

76. Бир вақтда енгил алангаланувчи ҳамда ёнувчи нефть маҳсулотларини идишларда сақлаш учун омборхона бинолари ёки хоналари енгил алангаланувчи 1 m^3, нефть маҳсулотлари ёнувчи нефть маҳсулотларининг 5 m^3 га тенглаштирилиши лозим.

77. Идишлардаги нефть маҳсулотлари учун омборхона хоналарини қуйиш, қадоқлаш ва тарқатиш хоналари ҳамда насосхона ва бошқа хизмат хоналари билан бир бинода бирлаштириш керак.

78. Омбор хоналарини бошқа хоналардан оловбардошлик чегараси камида 0,75 h бўлган ёнмайдиган девор тўсиқлар билан ажратиш зарур.

79. Идишлардаги нефть маҳсулотлари учун омборхона бинолари деворларидаги эшиклар кенглиги механизация воситаларининг ўтишини таъминлайдиган ўлчамларда бўлиши, бироқ камида 2,1 m кенгликка ва 2,4 m баландликка, шунингдек эшиклар 0,6 h оловбардошлилик чегарасига эга бўлиши, ўзи ёпилувчи тарзда лойиҳаланиши ҳамда эшикларнинг остана баландлиги 0,15 m дан ошмаслиги ва пандуслар билан таъминланиши лозим.

80. Идишлардаги нефть маҳсулотлари учун омборхона бинолари тўшамалари ёнмайдиган ва нефт маҳсулотларини шимдирмайдиган материаллардан қурилиши ҳамда суюқликнинг тарнов ва трапларга оқиши учун нишабга эга бўлиши керак.

81. Идишлардаги (бочка, канистр, махсус контейнерлар) нефть маҳсулотларини сақлаш учун омборхона биноларини ва соябон остидаги майдончаларни лойиҳалашда идишларни механизациялаштирилган ҳолда жойлаш учун қуйидагилар қабул қилиниши керак:

токчалар ёки тубдонлар тахламалари – 5,5 m дан ортиқ бўлмаслиги;

токчанинг ҳар бир қаватида идишни жойлашда – баландлик бўйича бир қатор ва кенглик бўйича икки қатор;

қатлам кенглиги – тўрттадан ортиқ бўлмаган тубдон жойлаштириш шартидан;

токчалар ва тахламалар орасидан ўтиш кенглиги – қўлланиладиган механизация воситаларининг ўлчамларига боғлиқ равишда белгиланиши, бироқ камида 1,4 m;

тахламалар ва токчалар орасидаги йўлаклар – 1 m кенгликда.

82. Темир йўл ва автомобиль транспорти учун юк платформалари (рампалар) ёнмайдиган материаллардан тайёрланиши, III тоифали омборхоналар учун юк платформаларини ёнувчан материаллардан лойиҳалашга йўл қўйилади.

83. Идишлардаги нефть маҳсулотларини сақлаш учун очиқ майдончаларни лойиҳалашда қуйидагилар инобатга олиниши зарур:

нефть маҳсулотли идишлар тахламлари сони – кўпи билан олтита бўлиши;

тахлам ўлчамларининг узунлиги 25 m, кенглиги 15 m ва баландлиги 5,5 m бўлиши;

тахламда идишлар ёки тубдонлар икки қаторда жойлашиши, улар орасидаги йўлак ушбу ШНҚнинг 81-бандига мувофиқ бўлиши;

майдончада тахламлар орасидаги масофа – 5 m, қўшиш майдончалари тахламлари орасидаги масофа эса – 15 m бўлиши.

84. Идишлардаги нефть маҳсулотларини сақлаш майдончалари (очиқ ва соябон остидаги) баландлиги 0,5 m бўлган грунт уюми ёки ёнмайдиган девор билан тўсилиши керак.

85. Бўш металл идиш (бочка)ларни сақлаш учун уларни баландлиги бўйича тўрт қатлам қилиб тахлаш зарур.

Майдончаларни мазкур ШНҚнинг 83-бандида келтирилган талабларга мувофиқ лойиҳалаш керак.

86. А ва Б тоифали биноларда, шунингдек очиқ майдонларда ҳамда А ва Б тоифали шийпонлар остида учқун чиқмайдиган пол турлари қўлланилиши керак.

7-боб. Темир йўл тўкиш-қуйиш эстакадалари

87. Темир йўллардан ўтишга мўлжалланган йўл ўтказгичларда эстакадалар ўрнатишга йўл қўйилмайди.

88. Оқизиш-қуйиш эстакадаларини темир йўл изининг тўғри қисмида жойлаштириш зарур.

89. III-тоифа омборхоналарида тўкиш-қуйиш эстакадалари, бир томонида тўкиш-қуйиш мосламалари билан жиҳозланган ускуналарни йўлнинг эгри қисмларида камида 200 m радиусда жойлаштиришга йўл қўйилади.

90. Темир йўл тўкиш-қуйиш эстакадаларининг узунлиги тўкиш-қуйиш ишлари (операция)ларининг ҳажмига кўра аниқланиши, бироқ темир йўл цистерналари битта маршрутининг максимал узунлигидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

91. Оқизиш ва қуйиш эстакадали темир йўл изи ҳар икки йўналишда цистерналарни тортиб олиш имконини берувчи параллел айланма йўлга эга бўлиши керак.

92. Параллел айланма йўлни ташкил қилишнинг иложи бўлмаса, боши берк йўлни лойиҳалашда (йўлни охирида цистернани тортиб олишга имкон берувчи лебёдка ёки бошқа мосламани ўрнатиш билан таъминлаган ҳолда) узунлиги ҳисобланган йўл поездининг энг четдаги цистернадан тўхташ чизиғигача бўлган масофа 30 m гача оширилиши керак (ёнғин содир бўлганда поездни ажратиш имкониятини яратиш учун).

93. Оқизиш-қуйиш қурилмалари параллел темир йўл изларида жойлаштирилаётганда икки томонидан оқизиш-қуйиш қурилмалари билан жиҳозланган битта эстакада лойиҳаланиши лозим.

94. Оқизиш-қуйиш эстакадаларига қўшни энг яқин темир йўл изларининг ўқлари орасидаги (параллел йўлларда жойлашган) масофа камида 20 m бўлиши, оқизиш-қуйиш қурилмалари бўйлама орасидаги масофа 15 m дан кам бўлмаслиги зарур.

95. Темир йўл изларидан оқизиш-қуйиш эстакадаларининг чиқиб турган қисмларигача масофа ГОСТ 9238-2013га мувофиқ белгиланиши керак.

96. Поезд локомотиви ҳаракати содир бўладиган темир йўл изининг ўқидан (омборхона ёки корхонадан) оқизиш-қуйиш эстакадали энг яқин йўлнинг ўқигача масофа агар оқизиладиган нефть ва нефть маҳсулотларининг алангаланиш ҳарорати 120 °С ва ундан пастроқ бўлса, камида 20 m ҳамда алангаланиш 120 °С дан юқори бўлса, камида 10 m бўлиши лозим.

97. Поезд локомотиви ўтадиган жойда оқизиш-қуйиш эстакадали темир йўл изи бўлишига йўл қўйилмайди.

98. Алангаланиш ҳарорати 120 °С ва ундан пастроқ бўлган нефть ва нефть маҳсулотлари (мазут бундан мустасно) учун оқизиш-қуйиш қурилмалари ёпиқ бўлиши зарур.

99. Алангаланиш ҳарорати 120 °С дан юқори нефть маҳсулотлари ва мазутлар учун оқизиш қурилмаларининг очиқ бўлишига йўл қўйилади.

100. I-тоифали омборхоналарда енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар учун оқизиш-қуйиш қурилмалари алоҳида жойлашиши керак.

101. Мазут учун ер ости оқиш сиғимларини оқиш-қуйиш эстакадали темир йўл изларининг ташқи томонида, темир йўл изларининг остида ҳам жойлаштиришга йўл қўйилади.

102. Оқиш-қуйиш эстакадалари учун платформалар сув ўтказмайдиган қаттиқ қопламага эга бўлиши, периметри бўйлаб ён томони баландлиги камида 0,2 m бўлган бортик билан ўралган бўлиши, суюқликларни қабул қилиш учун қурилмаларнинг (ариқлар, қудуқлар, чуқурлар) қиялиги камида 2 фоиз бўлиши зарур.

103. Оқиш-қуйиш эстакадалари қирраларида унинг узунлиги бўйича бир-биридан 100 m масофада ёнмайдиган материаллардан тайёрланган нарвонлар бўлиши, бунда нарвон зиналарининг кенглиги камида 0,7 m, нишаблиги эса 1:1 дан ошмаслиги лозим.

Эстакадалар ва зинапояларга ўтиш жойлари камида 1 m баландликдаги тўсиқ билан ўралган бўлиши керак.

8-боб. Қуйгичлар, қадоқлагичлар ва тарқатгичлар

104. Қуйгичлар, қадоқлагичлар ва тарқатгичлар хоналаридаги поллар ушбу ШНҚнинг 80-банди талабларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

105. Қуйгичлар, қадоқдагичлар ва тарқатгичларни иқлим шароитларига ва нефть маҳсулотларининг турига боғлиқ ҳолда бинолар ёки майдончаларда (очиқ ёки соябон остидаги) жойлаштириш зарур.

106. Бинолар ичидаги қуйгичлар, қадоқлагичлар ва тарқатгичлар ушбу ШНҚнинг 8 ва 77-бандларига мувофиқ лойиҳаланиши керак.

107. Этилланган нефть маҳсулотларини қуйиш учун алоҳида хона лойиҳаланиши керак.

108. Автоцистерналар учун оқизиш-қуйиш қурилмаларни майдончаларда (очиқ ёки соябон остидаги) жойлаштириш лозим.

109. Автоцистерналар учун тўкиш-қуйиш қурилмалари қуйидагича жойлаштирилиши керак:

енгил алангаланувчи ва ёнувчан нефть маҳсулотлари учун битта майдончада;

алангаланиш ҳарорати 120 °С дан юқори бўлган нефть маҳсулотлари учун бевосита қуйгичлар, қадоқлагичлар ва тарқатгичлар олдида ҳамда мойлар учун темир йўл тўкиш-қуйиш эстакадалари олдида;

омборхона тўсиғининг ташқи тарафидан.

110. Қуйгичларнинг туташ (оралиқларсиз) деворлари яқинида камида 2 m масофада (бинонинг ташқи томонида) ҳар бирининг сиғими 25 m^3 гача бўлган ҳамда умумий сиғими 200 m^3 дан ортиқ бўлмаган тарқатгич резервуарларни жойлаштиришга йўл қўйилади. Тарқатгич резервуарлар орасидаги масофа 1 m дан кам бўлмаслиги зарур.

111. Сиғими 75 m^3 гача бўлган, иситишга ва мой беришга мўлжалланган тарқатиш резервуарларни уларнинг қирралари қуйиш хонасида жойлашадиган қилиб лойиҳалаш лозим.

112. Сиғими 25 m^3 гача бўлган иситишга ва мой беришга мўлжалланган тарқатгич резервуарларни (резервуарлардан чиқаётган буғларнинг хонадан ташқарига чиқарилишини таъминлаган ҳолда) қуйиш хонасида жойлаштиришга йўл қўйилади.

113. Мойлар учун умумий сиғими 400 m^3 дан ортиқ бўлмаган резервуарларни бир қаватли бинонинг ертўла хоналарида қуйгичлар, қадоқлагичлар, тарқатгичлар тагида ҳамда идишлардаги мой сақланадиган омборхона тагида улар билан бирлашган бир бинода жойлаштиришга йўл қўйилади.

114. Ушбу ШНКнинг 111-бандида келтирилган ертўла хоналаридан чиқиш жойлари бевосита ташқарига йўналтирилган бўлиши ва биноларнинг биринчи қавати билан туташмаслиги керак.

9-боб. Маҳсулот насос станциялари ва лабораториялар

115. Нефть ва нефть маҳсулотларини ҳайдашга мўлжалланган насосларни бинолар ёки майдончаларда (очиқ ёки соябон тагида) жойлаштириш зарур.

116. Нефть ва нефть маҳсулотларини ҳайдашга мўлжалланган, конструкцияси ва юритгичлари очиқ ҳавода ишлатишга имкон берадиган насосларни майдончаларда жойлаштириш керак.

117. Маҳсулот насос станцияси биносида қувурўтказгичларнинг катод ҳимояси станциясини, назорат ва бошқарув пунктини, технологик жараёнларни автоматик бошқариш воситаларини ўрнатиш ушбу ШНҚнинг 8-бандида келтирилган талабларни инобатга олган ҳолда ва бошқа хоналарни жойлаштириш ушбу ШНҚ талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

118. Маҳсулот насос станцияси биносидаги III-тоифали омборхоналарга дизель генераторларни жойлаштиришга йўл қўйилади.

119. Сиғими бир суткалик эҳтиёждан ортиқ бўлмаган ёнувчан нефть маҳсулотларининг сарф бакларини маҳсулот насос станциясининг биноси ташқарисида (бўш оралиқсиз) девор томони ёки ёнмайдиган материаллардан қурилган қўшимча хонада жойлаштириш керак.

120. Алангаланиш ҳарорати 120 °С дан юқори бўлган нефть маҳсулотлари ва мазутларнинг ер ости горизонтал резервуарларининг ён томонини ушбу резервуарларга хизмат қилувчи маҳсулот насос станцияси хоналарида ёки назорат ва бошқариш пункти хоналарида жойлаштиришга йўл қўйилади.

121. Зулфин (задвижка) қисмларини маҳсулот насос станцияси биносининг ташқарисида (энг яқиндаги зулфин (задвижка)дан), бинонинг бўш оралиқли деворидан камида 3 m масофада ҳамда бинонинг бўш оралиқсиз деворидан 1 m да жойлаштириш зарур.

Зулфин (задвижка) қисмлари насослар билан биргаликда жойлаштирилганда ушбу хонадаги асосий ишчи насосларнинг (захирадаги, тозаловчи, вакуум ва бошқа ёрдамчи насосларни ҳисобга олмаганда) сони қуйидагича бўлиши керак:

I ва II тоифалардаги омборхоналарда – алангаланиш ҳарорати 120 °С ва ундан пастроқ (мазут бундан мустасно) бўлган нефть ва нефть маҳсулотлари учун кўпи билан 6 та ёки алангаланиш ҳарорати 120 °С дан юқори нефть ва нефть маҳсулотлари учун ёки мазутлар учун кўпи билан 10 та;

III тоифали омборхоналарда алангаланиш ҳарорати 120 °С ва ундан пастроқ бўлган нефть ва нефть маҳсулотлари учун кўпи билан 10 та ёки алангаланиш ҳарорати 120 °С дан юқори бўлган нефть ва нефть маҳсулотлари учун исталган сонда;

алангаланиш ҳароратидан 10 °С пастроқ даражагача иситиладиган мазутларни ҳайдашда I ва II тоифали омборхоналарда кўпи билан 6 та ҳамда III тоифали омборхоналарда кўпи билан 10 та.

122. Зулфинлар (задвижкалар) қисмлари алоҳида хонада жойлаштирилганда у насослар жойлаштириладиган хонадан оловбардошлиги чегараси 0,75 h бўлган ёнмайдиган девор билан ажратилиши ва ташқарига чиқиш эшиги бўлиши керак.

Бу хоналар орасидаги эшикнинг оловбардошлик чегараси 0,6 h ва у ўзи ёпиладиган бўлиши лозим.

123. Зулфин (задвижка) қисмлари жойлашган тўшамада оқимларнинг ёпиқ йиғгич ёки ишлаб чиқариш канализацияси тармоғидаги гидравлик ёпқичли қудуққа оқиши учун тарновлар бўлиши зарур.

124. Маҳсулот насос станцияларида насосларнинг чиқиб турган қисмлари орасидаги ўтиш кенглиги камида 1 m бўлиши лозим.

Кенглиги 0,6 m гача ва баландлиги 0,5 m гача бўлган насослар орасидаги йўл кенглигини 0,7 m гача камайтиришга йўл қўйилади.

125. Маҳсулот насос станциялари деворларидан қувурлар ўтган жойларда зичловчи қурилмалар бўлиши керак.

126. Маҳсулот насос станциялари биноларида ички ёниш юритгичлари хонасини насослар хонасидан оловбардошлик чегараси камида 0,75 h бўлган газ ўтказмайдиган ёнмайдиган туташ девор (бўш оралиқларсиз) билан ажратиш зарур.

127. Ушбу ШНҚнинг 125-бандида келтирилган деворда юритгични насос билан уловчи ўқ ўтган жойларда зичловчи қурилмалар бўлиши лозим.

128. Омборхонанинг лаборатория хоналарини газгенераторлар, катта босим аппаратлари, нефть ва нефть маҳсулотлари намуналари ва кимёвий реактивларни сақлаш хоналари билан битта бинода жойлашитириш зарур.

Лаборатория хоналари таркибини омборхоналарни технологик лойиҳалаштириш талабларига кўра танлаш керак.

10-боб. Сув таъминоти ва канализация

129. Омборхоналарда ўртача карраликли ҳаво механик кўпик билан ёнғинни ўчириш таъминланиши керак.

130. Омборхоналарда ёнғинни ўчириш учун қуйидагилар бўлиши зарур:

стационар автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари;

кўпик генераторли ёнғин ўчирувчи ва кўчма қурилмалар.

131. Автоматик бўлмаган ёнғин ўчириш стационар қурилмаси стационар ўрнатилган кўпик генераторлари ва автоматлаштириш воситаларидан ташқари худди автоматик қурилма каби қисмлардан ташкил топиши, кўпик ўтказгичларда ёнғин гидрантлари ёки ёнғин пайтида ўт ўчириш енглари ва кўпик генераторларини улаш учун мўлжалланган тиргаклар бўлишига йўл қўйилади.

132. Кўчма қурилма ёнғин-қутқарув автомобиллари ёки мотопомпалар сувни ташқи сув қувурлари тармоғи (ёнғин гидрантлари ёки уланувчи каллакли қувурлар) орқали ёки ушбу ШНҚнинг 142-бандига мувофиқ ёнғинга қарши сиғимлардан узатиб бериши лозим.

133. Нефть ва нефть маҳсулотлари учун сиғими 5000 m^3 ва ундан ортиқ бўлган ер усти резервуарлари, шунингдек омборхона бинолари ва хоналари рўй бериши мумкин бўлган ёнғинни ўчириш учун стационар автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан таъминланиши керак.

134. Иккитадан ортиқ бўлмаган сиғими 5000 m^3 бўлган ер усти резервуарларига эга бўлган III тоифали омборларда, резервуарлардаги ёнғинни ўчиришни мобилли ёнғин ўчириш воситалари (статик ўрнатилган кўпик генераторлари) ва қуруқ қувурларўтказгичлар (ёнғин техникасини қўшиш учун улагич каллагига эга бўлган) билан ёрдамида ўчиришга йўл қўйилади.

135. Ер ости резервуарларидаги ёнғинни ўчириш учун ноавтоматик ёнғин ўчирувчи турғун (стационар) қурилмалар, I ва II тоифа омборхоналарида резервуарлар мавжуд бўлганда темир йўл ва автомобиль цистерналари учун қуйиш-тақсимлаш қурилмалари бўлиши керак.

136. Омборхонада кўпик генераторли ўчириш қурилмаларидан фойдаланилганда умумий насос станция ва суюқлик ўтказгич тармоғи билан таъминланиши керак.

137. Ҳажми 5000 m^3 дан кичик бўлган ер усти ва ер ости резервуарлари ҳамда майдончаларга жойлаштирилган маҳсулот насос станциялари, II ва III тоифалардаги омборхоналардаги темир йўл ва автомобиль цистерналарига мўлжалланган қуйиш-тақсимлаш эстакадалари ва қурилмалари, шунингдек омборхона бинолари ҳамда хоналари учун (ушбу хоналарнинг майдони ва насос станцияларининг иш унумдорлиги ушбу ШНҚнинг 5-жадвалида келтирилган қийматлардан кичик бўлганда) ёнғинни мобилли ўт ўчириш востилари билан ўчириш назарда туилиши керак.

138. Бинолар ва хоналардаги, шунингдек сиғими 1000 дан 5000 m^3 гача бўлган ер усти резервуарлардаги ёнғинни ўчиришда (техник-иқтисодий асосланган ҳолларда) автоматик ёнғин ўчириш стационар қурилмаларидан фойдаланишга, қуйиш-тақсимлаш қурилмалари учун эса автоматик бўлмаган стационар ёнғин ўчириш қурилмаларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

139. Сиғими 1000 дан 5000 m^3 гача бўлган ер усти резервуарлари ҚМҚ 2.09.03-02 га мувофиқ кўпик генераторлари билан жиҳозланиши керак.

140. Стационар автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозланадиган омборхоналарнинг бинолари ва хоналари ушбу ШНҚнинг 4-иловасидаги келтирилган.

141. Автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозланган омборхоналарнинг бинолари ва хоналарида ички ёнғинга қарши сув ўтказгични таъминламасликка йўл қўйилади, бунда бинолар, хоналарда кўпиклагичнинг олти каррали захираси бўлиши лозим.

Суюқлик ўтказгичнинг турғун тармоғида (хоналарга кириш жойларида) ёнғин жўмраклари, ёнғин насослари эса узоқдан туриб ишга тушириш босмалари билан (турғун қурилмада ўчириш воситалари ҳисобий захирасида) жиҳозланиши лозим.

142. Деворининг баландлиги 12 m дан ортиқ бўлган ер усти резервуарлари (I иқлимий ҳудудларда жойлаштириладиган, ёнмайдиган материаллардан иссиқлик изоляцияли резервуарлар ҳамда сузувчи қопқоқли резервуарлардан ташқари) турғун совутиш қурилмалари билан жиҳозланиши зарур.

143. Деворларининг баландлиги 12 m гача бўлган турғун қопқоқли ёки понтонли ер усти резервуарлари, шунингдек сиғими 400 m^3 дан ортиқ бўлган ер ости резервуарлари кўчма қурилмалар билан совитилиши керак.

144. Ёнғин пайтида совутилиши талаб этиладиган резервуарларни совутиш учун резервуар парк атрофи ҳалқа шаклида ёнғинга қарши сув ўтказгич билан таъминланиши лозим.

145. I ва II тоифадаги омборлар темир йўл цистерналари, оқизиш-қуйиш қурилмалари ва эстакадаларни совутиш учун стационар лафет дастаклари бўлиши зарур.

146. Қуйидагилар совутилмайди:

резервуар деворининг баландлигидан қатъий назар I иқлимий минтақада жойлаштириладиган ва ёнмайдиган материаллардан тайёрланган иссиқлик изоляциясига эга бўлган турғун қопқоқли ёки понтонли ер устидаги резервуарлар ҳамда сузувчи қопқоқли резервуарлар (20000 m^3 ҳажмли резервуарлар орасидаги масофа 40 m гача етказилиши керак);

дахлсиз сув захираси камида 800 m^3 бўлган ҳажми 10000 m^3 гача бўлган резервуарлар;

дахлсиз сув захираси камида 2000 m^3 ҳажми 20000 m^3 дан ортиқ бўлган резервуарлар;

деворларининг баландлиги 12 m гача, автоматик ёнғин ўчирувчи турғун қурилма билан жиҳозланган сузувчи қопқоқли ёр устидаги резервуарлар;

деворларининг баландлиги 12 m дан ортиқ бўлган ҳамда совутиш қурилмалари билан жиҳозланган, турғун қопқоқли ёки понтонли резервуарлар билан биргаликда резервуарлар паркида жойлашадиган сузувчи қопқоқли ер устидаги резервуарлар (парк учун биттасининг сиғими 20000 m^3 ва ундан ортиқ бўлган резервуарлар учун сув захираси камида 1500 m^3 ҳамда биттасининг сиғими 20000 m^3 дан кичик бўлган резервуарлар учун камида сув захираси 1000 m^3 бўлиши керак);

деворининг баландлиги 12 m дан ортиқ бўлган ёнаётган сузувчи қопқоқли қўшни ер усти резервуарлари;

турғун қопқоқли ёки понтонли қўшни ёнаётган ер усти резервуарлари;

ёнғин пайтида ичида сақланаётган нефть на нефть маҳсулотлари ҳароратининг ошишига йўл қўймайдиган иссиқлик изоляцияли ёнаётган қўшни ер усти резервуарлари;

сиғими 400 m^3 ва ундан кичик бўлган ер ости резервуарлари.

147. Резервуарни совутиш стационар қурилмаси резервуар деворларининг юқори қисмида жойлаштириладиган вертикал суғориш бўлмали ҳалқадан (сувни пурковчи қурилма билан жиҳозланган суғориш қувурлари, перфорация, спринклер ёки дренчер каллакдан), суғорувчи бўлма ҳалқасини ёнғинга қарши сув қувури тармоғи билан боғловчи қуруқ қувурдан ва вертикал қувурўтказгичлардан, шунингдек ёнғин пайтида резервуарнинг бутун сиртини ҳамда резервуарларнинг гуруҳда жойлашишига боғлиқ равишда унинг исталган чораги ёки ярми (периметр бўйича ҳисоблаганда) совутиш учун сувни узатишни таъминловчи қўлда бошқариладиган зулфин (задвижка) дан ташкил топиши лозим.

148. Резервуарни совутиш кўчма қурилмаси ўт ўчириш тирсакларига уланувчи ёки улагич каллаклар воситасида ёнғинга қарши сув қувури тармоғидаги қуруқ қувурга туташтирувчи ёнғин мўрилари, I ва II-тоифали омборхоналарда техник-иқтисодий асослаш билан деворларининг баландлиги 12 m гача бўлган ер усти резервуарларини стационар совутиш қурилмалари билан жиҳозлашга йўл қўйилади.

149. Ҳар бир резервуарининг ҳамжми 5000 m^3 дан кичик бўлган резервуарли III-тоифали омборхоналарда совутиш ва ёнғинни ўчириш учун сувни ёнғинга қарши сиғимлардан (резервуарлар ёки очиқ сунъий ва табиий ҳовузлардан) ёнғин автомобиллари ва мотопомпалар ёрдамида узатишга йўл қўйилади.

150. Резервуар парклари табиий сув ҳавзаларидан 200 m гача бўлган масофада жойлашганда, ёнғинга қарши резервуарлар ва сунъий сув ҳавзаларини қурмасликка йўл қўйилади.

151. Автоматик ёнғин ўчириш турғун қурилмали маҳсулот насос станциялари, идишларга солинган нефть маҳсулотлари учун омборхона бинолари, қуйиш, қадоқлаш ва тарқатиш резервуарларида, совутилиши зарур бўлган резервуарлар олдида ушбу ШНҚнинг 2-жадвалига мувофиқ ёнғинга қарши ускуналар учун ёнғин постлари ёки хоналар бўлиши керак.

152. Омборхоналарда хўжалик ичимлик, ёнғинга қарши сув таъминоти ва иссиқ сув таъминоти, канализация ҳамда сув оқизиш тизимлари лойиҳаланиши лозим.

153. Ёнғинга қарши ички сув таъминоти ҚМҚ 2.04.01-98, ташқи сув таъминоти тармоғи ШНҚ 2.04.02-2019 талабларига мувофиқ лойиҳаланиши керак.

2-жадвал

Омборхона сиғими, минг m^3	Омборхоналарда ёнғинга қарши ускуналар учун ёнғин постлари ёки хоналари
100 гача	Ёнғинга қарши ускуналар ва ёнғин помпаси учун 20 m^2 юзага эга бўлган хона
00 дан ортиқ 500 гача	Захира автомобил учун бокс билан бирга битта автомобиль учун ёнғин пости
500 дан ортиқ	Иккита автомобиль учун ёнғин пости

154. Омборхоналарда ёнғинни ўчириш учун ҳисобланган сув сарфи учун резервуар паркидаги ёнғинни (битта резервуар учун энг кўп сарфни ҳисобга олган ҳолда) ёки темир йўл эстакадасидаги ёнғинни ўчириш учун ёки омборхона биноларидан биридаги ташқи ва ички ёнғинни ўчириш учун энг кўп сарф йиғиндиси қабул қилиниши лозим.

Омборхоналарда бир вақтда содир бўладиган ёнғинларнинг ҳисобий сонини қуйидагича белгилаш керак:

омборхона сатҳи 150 ha гача бўлганда битта ёнғин;

сатҳи 150 ha дан ортиқ бўлганда иккита ёнғин.

155. Ёнғинни ўчиришга сув ва кўпик сарфини алангаланиш ҳарорати 28 °C ва ундан пастроқ бўлган нефтьдан ташқари нефть маҳсулотларини ўчиришга суюқланмани 94 фоиз сув ва 6 фоиз кўпик узатиш жадвалидан нефть ва нефть маҳсулотлари буғланаётган сиртнинг 1 m^2 га 0,08 l/s, нефть ва қолган нефть маҳсулотлари учун эса 0,05 l/s ҳамда ёнғинни ўчиришнинг 10 min га тенг бўлган ҳисобий вақтидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш лозим.

156. Буғланиш юзасини қуйидагиларга тенг қилиб белгилаш керак:

понтонли ер усти резервуарлари ва ер ости резервуарларида уларнинг горизантал кесими юзасига;

сузувчи қопқоқли резервуарларда резервуар девори ва кўпикни чеклаш учун мўлжалланган тўсиқ орасидаги ҳалқавий бўшлиқ (фазо) юзасига;

умумий сиғими 4000 m^3 гача бўлган гуруҳда ягона майдончада жойлашган сиғими 400 m^3 гача бўлган резервуарлар учун ушбу гуруҳни ўраб олувчи сатҳга, бироқ барча ҳолларда 300 m^2 дан ортиқ эмас;

оқизиш-қуйиш темир йўл эстакадалари учун темир йўл изларини ҳам қамраб олган ҳолда иншоотнинг ташқи тарҳи бўйича эстакада сатҳига, бироқ барча ҳолларда 1000 m^2 дан ортиқ эмас;

идишлардаги нефть маҳсулотлари учун омборхона биноларида (ички ёнғин ўчиришга) энг катта омборхона хонаси тўшамаси сатҳига;

маҳсулот насос ва канализация станциялари, қуйиш, қадоқлаш, тарқатиш ва ишлаб чиқариш биноларида ички ёнғин ўчириш учун нефть ва нефть маҳсулотлари бўлган энг катта хонанинг тўшамаси юзасига;

оқизиш-қуйиш қурилмаларига;

автоцистерналар учун қуйиш оролчалари эгаллаган майдонча сатҳига, бироқ барча ҳолларда кўпи билан 800 m^2.

Сузувчи қопқоқли (сиғими 5000 m^3 гача) резервуардаги ёнғинни кўчма ёнғин ўчириш қурилмаси билан ўчиришда резервуарлардаги буғланиш майдони сатҳини резервуарнинг горизонтал кесими сатҳига тенг қилиб белгилаш керак.

157. Эритмани тайёрлаш учун сув ва кўпик ҳосил қилувчи модда захирасини битта ёнғинни ўчиришга эритма уч карра кўп сарфланишни ҳисобга олиб белгилаш лозим.

158. Эритма ўтказувчи турғун (стационар) ёнғин ўчириш қурилмаларининг қуруқ қувурларини бирламчи тўлдириш учун қўшимча эритма миқдори зарурлиги ҳисобга олиниши лозим.

159. Кўпик ҳосил қилгич ёки унинг суюқланмаси захираларини сақлаш учун камида иккита резервуар бўлиши, 10 m^3 миқдордаги кўпик ҳосил қилгич ёки 50 m^3 миқдорда унинг суюқланма захираси учун битта резервуар бўлишига йўл қўйилади.

160. Резервуарни тўсиқлар ёрдамида ҳар бирининг сиғими 10 m^3 дан ортиқ бўлган бўлмаларга ажратиш шарти билан 10 m^3 дан ортиқ кўпик ҳосил қилгичнинг захираси учун битта резервуарни таъминлашга йўл қўйилади.

161. Эритма тайёрлаш учун кўпик ҳосил қилгич ва сув захираларини ёки кўпик ҳосил қилгич эритмаси захирасини сақлашда, уларнинг умумий сиғими 200 m^3 дан ортиқ бўлмаганда металл резервуарлардан фойдаланишга йўл қўйилади.

162. Ер усти резервуарларини совутиш учун сув сарфини қуйидагича аниқлаш керак:

ёнаётган резервуарлар учун (сузувчи қопқоқли резервуарлардан ташқари) резервуар бутун айланасининг 1 m узунлигига 0,5 l/s ҳисобидан;

сузувчи қопқоқли ёнаётган резервуарлар учун резервуар бутун айланасининг 1 m узунлигига 0,3 l/s ҳисобидан;

қўшни резервуарлар учун ҳар бир резервуарнинг (сузувчи қопқоқли резервуарлар бундан мустасно) айланаси ярмининг 1 m узунлигига 0,2 l/s ҳисобидан.

163. Ер ости резервуарларини совутишда сувнинг умумий сарфини (ёнаётган ва уларга ёнма-ён жойлашган резервуарлар учун) қуйидагича олиш керак:

энг катта резервуар сиғими 400 дан 1000 m^3 гача бўлганда – 10 l/s;

сиғим 1000 дан 5000 m^3 гача бўлганда – 20 l/s;

сиғим 5000 дан 30000 m^3 гача бўлганда – 30 l/s;

сиғим 30000 дан 50000 m^3 бўлганда – 50 l/s.

164. Резервуарларни (ёнаётган ва унга ёнма-ён жойлашган резервуарлар) совутишнинг вақтини қуйидагича ер усти резервуарларини, ёнғин турғун ёнғин ўчириш (110-бандда келтирилган) қурилмаси билан ўчирилаётганда – 3 h ва кўчма қурилмада – 6 h белгилаш керак.

165. Ёнғинга қарши сиғимларда (ёнғиндан сўнг) сувнинг захирасини тиклаш вақти 96 h ошмаслиги зарур.

166. Иккала томонидан оқизиш, қуйиш қурилмалари билан жиҳозланган резервуар паркидаги ёки темир йўл эстакадасидаги ёнғинни ўчириш учун эритма ўтказгичлар тармоғини (ҳар доим эритма билан тўлдирилган ёки бўш) айрим биноларга ва иншоотларга (автоматик ёнғин ўчиргичлар турғун ўрнатилганда резервуарларга ҳам) учи берк тармоқланишлар (киритмалар) билан биргаликда ҳалқавий тарзда лойиҳалаш лозим.

Ҳалқавий тармоқнинг суюқланма ўтказгичларини резервуар парк атрофида, паркнинг ташқи ўрамасидан (ёки тўсувчи деворлардан) ташқарида, икки томонидан оқизиш-қуйиш қурилмалари билан жиҳозланган темир йўл излари эстакадасидан камида 10 m узоқликда ўтказиш керак.

167. Сиғими 10000 m^3 ва ундан ортиқ бўлган ер усти резервуарларига, шунингдек омборхонанинг эритма ўтказгичлари ҳалқавий тармоғидан 200 m дан узоқроқда жойлашган бинолар ва иншоотларга ҳар биридан ёнғинни ўчиришга тўлиқ ҳисобий сарфни узатиш учун эритма ўтказгичлар ҳалқавий тармоғининг турли қисмларидан иккитадан берк тармоқланишлар (киритмалар) таъминланиши керак.

168. Узунлиги 250 m дан ортиқ бўлмаган эритма қувурлари тармоғини учи берк тарзда лойиҳалашга йўл қўйилади.

169. Эритма қувурларини ёнғинга қарши гидратнларни бошқарув тугунлари ва ёнғин гидрантлари учун умумий қудуқлар ясаш билан битта хандақда ётқизилиши керак.

170. Ёнғин пайтида ёнғин ўчириш барқарор суюқланма ўтказгичлар тармоғидаги эркин босим, барқарор ўрнатилган ёки ёнғин тирсаклари ёрдамида уланувчи кўпик генераторлари кирувида кўпи билан 60 m ва камида 40 m бўлиши керак.

171. Ёнғин пайтида ёнғинга қарши сув ўтказгич тармоғидаги эркин қисувни қуйидагича қабул қилиш керак:

резервуарлар турғун қурилмалар воситасида совитилаётганда – совутиш ҳалқасининг техникавий тавсифномаси бўйича, бироқ совутиш халқаси сатҳидан камида – 10 m;

резервуарларни кўчма қурилмалар воситасида совутишда ёнғин дастакларининг техникавий тавсифномалари бўйича, бироқ камида – 40 m.

172. Омборхоналар ҳудудида қуйидаги оқова сувларни оқизиш (қабул қилиш) учун ишлаб чиқариш канализацияси бўлиши керак:

нефть маҳсулотлари бўлган идиш (бочка)лар, оқизиш-қуйиш қурилмалари ўрнатилган майдончаларни ҳамда маҳсулот насос станцияларидаги тўшамаларни ювишдан ҳосил бўлган оқова сувларни;

резервуарлар атрофидан оқадиган оқова сувларни;

оқизиш-қуйиш қурилмалари ва бошқа технологик қурилмалар жойлашган очиқ майдончалардан (ушбу сувлар нефть ёки нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши мумкин) резервуар паркининг майдончаларидан ёки идишларда нефть маҳсулотларини сақлаш учун ўралган майдончалардан оқадиган ёмғир сувларини;

ёнғин пайтида резервуарларни совутиш вақтида ҳосил бўладиган (оқадиган) сувларни.

173. Ёнғин сувлари миқдори йилига 400 mm дан кам бўлган ҳудудларда резервуар паркларининг ўралган майдончаларидан ёмғир сувларини чиқариш учун канализация тармоғини ўрнатмасликка йўл қўйилади.

174. Чўмилиш ва ювиниш хоналарининг маҳаллий тозалаш иншоотларида тозаланган, миқдори 5 m^3/сут дан ортиқ бўлмаган оқова сувларни маиший канализация мавжуд бўлмаган ҳолда ишлаб чиқариш-ёмғир канализациясига оқизишга йўл қўйилади.

175. Магистрал нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурлари насос станцияларининг резервуар паркларидаги маҳсулот ости сувларини қабул қилиш учун канализация бўлмаслигига йўл қўйилади.

176. Этилланган бензинни сақлаш ва ишлатиш билан боғлиқ резервуарлар ҳамда технологик қурилмалардан ажралган оқова сувлар, шунингдек тетраэтил қўрғошинга эга бўлган лабораторияларнинг оқова сувлари алоҳида канализация воситасида шу сувларни тозалашга мўлжалланган тозалаш иншоотларига ёки алоҳида (бинодан ва қурилмалардан ташқаридаги) сув тўплагичларга йиғилиши ва махсус ажратилган жойларга оқизиб чиқарилиши зарур.

177. Ушбу ШНҚнинг 178-бандида келтирилганган оқова сувлар учун қуйидаги ҳолатларда алоҳида канализация тизими бўлмаслигига йўл қўйилади:

омборхонанинг тозаланган оқова сувлари ҳовуз, буғлатгичларга чиқарилганда;

омборхонанинг ишлаб чиқариш оқова сувларининг умумий миқдори кунига 100 m^3 дан ортиқ бўлмаганда ва улар озонлагич қурилмаларида қўшимча тозаланганда.

178. Нефть ва нефть маҳсулотлари резервуарларини тозалашда ажралган оқова сувларни канализация тармоғига оқизишга йўл қўйилмайди.

Бунда, оқова сувлар йиғиш ва тақсимлаш қувурўтказгичлари орқали шлам йиғгичларга оқизилиши ҳамда шлам йиғгичларда тиндирилгандан сўнг ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқариш ёмғир канализация тармоғи орқали омборхонанинг тозалаш иншоотларига йўналтирилиши керак.

179. Резервуар паркининг ўралган майдончасидаги ёмғир қабул қилгичлар, тўсиқ ўқи бўйлаб жойлашган ёки паркнинг ташқи тўсиғи (ўрамаси) ташқарисидаги жойлардан ҳаракатга келтирилувчи қулф қурилмалар (илгичлар, зулфинлар (задвижкалар) билан жиҳозланиши лозим.

180. Омборхоналарининг ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш ёмғир канализацияси тармоғини ёнмайдиган материаллардан лойиҳалаш ва ер остига жойлаштирилиши, ишлаб чиқариш ёмғир канализация тармоғидаги ўзи оқар қувурўтказгичларнинг диаметри 200 mm дан кам бўлмаслиги зарур.

181. Темир йўл эстакадалари майдончаларида (оқизиш-қуйиш қурилмалари бўйлаб) ёмғир қабул қилгичларга нишабли очиқ тарновлар ўрнатилиши керак.

182. Ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқариш ёмғир канализацияси қудуқларида (баландлиги камида 0,25 m бўлган) гидравлик қулфлар ўрнатилиши лозим:

канализациянинг бош тармоғида – ҳар 400 m ўтказиб;

бинолардан чиқиш жойларида (маҳсулот насос станциясида, қуйишда, лабораторияда), резервуар паркининг ўралган майдончаларида;

ўрама (тўсиқ) ташқарисида жойлашган ёмғир қабул қилгичнинг чиқиш жойида;

оқизиш-қуйиш қурилмалари майдончаларида (темир йўл ва автомобиль цистерналарига) жойлашган ёмғир қабул қилгичларнинг чиқиш жойида;

нефть тутқичдан кейин ва олдинда, ундан камида 10 m масофадаги канализация тармоғида.

183. Ишлаб чиқариш оқова сувлари ҳамда нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланган ёмғир сувлари омборхонанинг маҳаллий тозалаш иншоотларида тозаланиши керак.

Тозалаш иншоотларининг таркиби ва сувларни тозалаш даражаси (айланма сув таъминоти, буғлатиш, нефть конларида сув бостиришда, саноат тармоғининг ёки қўшни корхонанинг тозалаш иншоотларига чиқариш, ҳовузга тушириб юбориш) бўйича белгиланиши лозим.

184. Омборларнинг ишлаб чиқариш оқова сувларидаги ифлослантирувчи моддалар концентрацияси (лойиҳалаш топшириғида маълумотлар бўлмаганда) ушбу ШНҚнинг 3-жадвали бўйича белгиланиши лозим.

185. Ишлаб чиқариш-ёмғир канализацияси тармоғи ҳамда иншоотларининг ўтказиш қобилияти оқова сувларини ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларидан қабул қилиш қобилиятига ҳисобланиши ҳамда қуйидаги ҳисобий сарфларнинг энг каттасига мўлжалланиши керак:

бош нефтўтказгичлар ва нефть маҳсулотлари ўтказгичлари насос станциялари резервуар паркларидан ташқари битта энг катта резервуардан ажралувчи маҳсулот ости сувларига;

оқизиш-қуйиш қурилмалари учун очиқ майдончалардан оқадиган ёмғир сувларига;

резервуар паркининг ўралган майдончасидан тартибга солиб оқизиладиган ёмғир сувларига;

ёнғин пайтидаги резервуарларни совутишдан.

186. Резервуар паркининг ўралган майдончасидан ёмғир сувлари ёки ёнғин пайтида резервуарларни совутиш сувларининг ҳисобланган сарфи сувларни ўралган майдончадан 24 h ичида чиқариб ташланиши шартидан келиб чиққан ҳолда тартибга солинган оқизиш амалга оширилганда аниқланиши лозим.

3-жадвал

Оқова сувларининг тури	Ифлослантирувчи моддалар концентрацияси, mg/l		
	муаллақ моддалар	нефть ва нефть маҳсулотлари	БПК тўлиқ
Оқизиш-қуйиш қурилмалари ва бошқа технологик ускуналар учун майдончаларни ювиш, ушбу майдончалардан сувлар, маҳсулот насос станциялари, қуйиш ўринларидан оқадиган ёмғир, лаборатория оқова сувлари	600	1000	200
Резервуарларда маҳсулотлардан ажралган сувлар: нефть маҳсулотларидан (мазутлардан ташқари)	20	8000	80
Нефть маҳсулотларидан бўшаган бочкаларни ювишдан оқадиган оқова сувлар	50	12000	200
Резервуар паркининг ўралган майдончасидан оқадиган ёмғир сувлари	300	20	8

187. Омборхоналарда ишлаб чиқариш ва ёмғир оқова сувларини механик тозалаш учун қумли тутқичлар, нефтни тутқичлар флотация қурилмалар, резервуар-тиндиргичлар, ҳовузча-тиндиргичлар ва ҳовузча-буғлатгичлардан фойдаланиш лозим.

Тетраэтил қўрғошин билан ифлосланган оқова сувларни тозалаш учун оқова сувларни 30 d давомида тиндиришга мўлжалланган (шимолий қурилиш иқлимий зона минтақалар бундан мустасно) озонатор қурилмалар ёки ҳовузча-тиндиргичлар таъминланиши керак.

188. Ўтказиш қобилияти 15 l/s дан ортиқ бўлмаган нефтўтказгичларни йиғилган нефть ва нефть маҳсулотларини жамлаш резервуари ҳамда насосларни ўрнатиш бўлмаси билан битта блокка бирлаштиришга йўл қўйилади.

189. Омборхоналарнинг ер ости канализация иншоотлари (тиндиргич ҳовузлари, буғлатиш ҳовузлари, шлам йиғгичлар), шунингдек авария ер ости омборлари ушбу ШНҚ 22-бандига мувофиқ ер ости грунтларининг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланишининг олдини олиш учун нишаблар ва уларнинг туби фильтрланишга қарши полимер пардалардан лойдан ҳимоя экранларига эга бўлиши зарур.

190. Барча ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш ёмғир канализацияларида (нефть тутқичлар, тиндиргич ҳовузлари, флотациявий қурилмалар ва бошқаларда) тутиб қолинган нефть ва нефть маҳсулотларини насос ёрдамида 10 min давомида бўшатиш, бироқ барча ҳолларда камида 5 m^3 сиғимли резервуарга йиғиш таъминланиши керак.

191. Тутиб қолинган нефть ва нефть маҳсулотларини ҳайдаш учун канализация насос станцияларини маҳсулот насос станцияларининг омборхоналарига қўйиладиган талаблар бўйича лойиҳалаш керак.

192. Тозалаш иншоотларида тутиб қолинган нефть ва нефть маҳсулотларини сувсизлантириш учун ажратувчи резервуарларни, омборхонанинг тозалаш иншоотларига (буфер резервуарларга) келувчи оқова сувлар миқдорини ростлаш учун турғун қопқоқли ер усти резервуарларини ҳамда резервуар тиндиргичларни ушбу ШНҚнинг мазкур бобида белгиланган талабларга мувофиқ лойиҳалаш керак.

193. Омборхоналарнинг канализация насос станцияларида битта хонада ишлаб чиқариш оқова сувларини, тутиб қолинган нефть ва нефть маҳсулотларини, канализация тозалаш иншоотларидан чўкмаларни (нефть тутқичларни, флотация қурилмаларини), шунингдек маиший оқова сувларни ҳайдаш учун насослар ўрнатишга йўл қўйилади.

11-боб. Иссиқлик таъминоти, иситиш ҳамда шамоллатиш

194. Омборхоналарнинг бинолари ва иншоотларининг иссиқлик таъминоти, иситиш ва шамоллатилиши иссиқлик тармоқлари, қозонхона қурилмалари, иссиқ сув таъминоти, иситиш, шамоллатиш тизимлари ҳамда ҳавони совутиш ҚМҚ 2.04.05-97га мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

195. Омборхоналар учун (иссиқлик тармоқларидан) марказлаштирилган иссиқлик таъминотидан таъминланиши керак.

Асосланган ҳолларда иссиқлик билан омборхона қозонхонасидан таъминлашга йўл қўйилади.

196. Омборхоналарнинг бинолари ва иншоотларини иситиш ва шамоллатиш учун иссиқлик ташувчи сифатида ҳарорати 150 °С дан юқори бўлмаган иссиқ сувдан фойдаланиш керак.

197. Омборхонада технологик истеъмолчилар бўлганда ҳарорати 130 °С дан юқори бўлмаган сув буғидан фойдаланишга йўл қўйилади.

198. Портлаш, портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўлган ишлаб чиқариш омборхона хонаси тўшамаси остидан иситиш кувурўтказгичларини ётқизишга йўл қўйилмайди (эшик ва дарвоза олдида ётқизиш бундан мустано).

Қувурўтказгичларни эшиклар ва дарвозалар олдидаги хандақларга ётқизиш, қум билан тўлдириш ва олиб қўйиладиган тахталар билан ёпиш зарур.

199. Зарарли моддалар миқдори тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаганда, омборхоналар бинолари ва хоналарида ҳаво алмашинув карралигини ушбу ШНҚнинг 4-жадвали бўйича белгилашга йўл қўйилади.

200. Омборхоналар бинолари ва иншоотлари ҳамда хоналаридаги шамоллатиш тизими ушбу ШНҚнинг 5-жадвалига мувовиқ лойиҳаланиши лозим.

12-боб. Электр техник қурилмалар, алоқа ва автоматлаштириш

201. Омборхоналарнинг электр техник қурилмаларини ЭҚТҚ ҳамда ҚМҚ 2.01.05-19 талабларига мувофиқ лойиҳалаш керак.

4-жадвал

Нефть ва нефть маҳсулотлари (бинода, хонада)	Ҳаво алмашинувининг 1 h даги карралиги (такрорийлиги)	
	Олтингугурт бирикмалари бўлмаганда	Олтингугурт бирикмалари мавжуд бўлганда
Юқори миқдордаги олтингугуртли нефть (олтингугурт миқдори 2 фоиз дан ортиқ)	–	10
Нефть (юқори миқдордаги олтингугуртли нефть маҳсулотлари бундан мустасно)	6,5	8
Этилланган бензин	13,5	13,5
Этилланмаган бензин	6	8
Керосин, дизель ва мотор ёқилғиси, битум ва мазут	5	7
Бензол	12	17
Суртма мойлар, парафин (эритувчилар бўлмаганда)	3,5	5,5
8. Ишлатилган нефть маҳсулотлари	12	12

Изоҳлар:

1. Шамоллатиш учун ҳаво алмаштириш карралигини аниқлашда хоналар баландлигини 6 m га тенг деб қабул қилиш керак.

2. Ҳарорати 80 °С дан юқори бўлган нефть ва нефть маҳсулотлари жойлашган хоналарда ҳавони алмаштиш карралиги нефть учун (ушбу жадвалнинг 1 ва 2 бандлари бўйича) 1,2 коэффициент билан ва қолган нефть маҳсулотлари учун 1,5 коэффициент билан олиниши лозим.

3. Иситилмайдиган омборхоналарда идишлардаги нефть маҳсулотлари учун (уларнинг туридан қатъий назар) ҳаво алмашинишини соатига камида бир карра қилиб қабул қилиш керак.

4. Нефть ва нефть маҳсулотларидан тозаланган оқова сувларни оқизиш учун канализация насос станциялари хоналарида ҳаво алмашинувини соатига беш карра қилиб олиш керак.

5-жадвал

Бинолар, иншоотлар ва хоналар	Шамоллатиш	
	сўрилувчи	оқиб келувчи
Маҳсулот насос станциялари ҳар бирининг ҳажми 300 m^3 бўлганда насослар учун мўлжалланган хоналар, қуйиш, қадоқлаш ва тарқатиш хоналари, маҳсулот насос станцияси учун ҳар бир хонасининг ҳажми 300 m^3 ва ундан ортиқ бўлганда ва унда доимо хизматчи ходимлар мавжуд бўлганда хоналар ишлаб чиқариш оқова сувларини оқизиш учун канализация насос станциялари (хизматчи ходимлар доимо бўладиган) хоналари	Этилланган бензинни ҳайдашда насослар ёғдонидан маҳаллий сирқишлар ҳайдалаётган ҳавонинг юқори зонасидан 1/3 қисми ва механик паст зонадан ҳайдалаётган ҳавонинг 2/3 қисми, шамоллатиш (А ва Б тоифа хоналарда) юқори зонадан табиий 1/3 ва пастки зонадан 2/3 ҳажмда механик ҳайдаладиган ҳаводан (даврий ишловчи)	Механик
Маҳсулот насос станциялари насослари учун ҳар бир хона ҳажми 300 m^3 ва ундан кичик бўлганда хоналар, маҳсулот насос станциялари ва бошқа технологик ускуналарнинг зулфинлари (задвижкалари) қисмлари, канализация насослари, ишлаб чиқариш оқова сувларини (нефть ва нефть маҳсулотлари билан бирга) оқизиш ҳамда шу сувларни қабул қилиш резервуарлари (хизматчи ходимлар қисқа муддат бўладиган) учун хоналар	Табиий равишда (дефлекторли) соатига уч карра ҳаво алмашиш ҳисобга олган ҳолда механик ва маҳаллий сўрилувчи	Табиий равишда
Идишлардаги нефть маҳсулотлари учун иситилмайдиган омборларнинг хоналари	Табиий (дефлекторли)	Табиий равишда
Нефть ва нефть маҳсулотларини таҳлил қилиш учун лаборатория хоналари	Механик умумий алмашинув соатига уч карра ҳаво алмашинуви ва маҳаллий ассимиляция	Механик

Электр юритгичлар, тақсимлаш жойлари, сигнализация ва автоматлаштириш бошқарув пультлари учун хоналар ҳамда электр қурилмалар учун хоналар (портлаш, портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўлган ишлаб чиқариш хоналарига қўшни бўлган)	ЭҚТҚ га мувофиқ
6. Алоқа тугунлари хоналари (аккумуляторларни ҳам қўшган ҳолда)	Технологик лойиҳага мувофиқ
Изоҳлар: *1. Лаборатория хоналаридан сўрилувчи ҳаво ҳажми оқиб келувчи ҳаво ҳажмидан 10 фоиз ортиқ бўлиши керак.* *2. Нефтни қайта ишловчи ва нефт-кимё корхоналарнинг маҳсулот-хомашё омборлари (парклари) ёки ушбу корхоналар ҳудудида жойлаштирилган омборхоналарнинг бинолари, иншоотлари ва хоналарини шамоллатиш лойиҳа топшириғига мувофиқ белгиланиши лозим.* *3. Шамоллатиш ускуналари хоналар ва омборхоналарнинг портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўйича, электр юритгичлар эса ЭҚТҚ талабларига мувофиқ лойиҳаланиши зарур.*	

202. Омборхоналардаги электр қабул қилгичларнинг электр таъминоти ишончлилиги қуйида тоифаларга бўлиниши керак:

биринчи тоифа – омборхоналар (базалар) нефть ва нефть маҳсулотларини экспорт қилишга мўлжалланган маҳсулот насос станцияларининг электр қабул қилгичлари ҳамда барча нефть ва нефть маҳсулотлари бўйича ёнғинга қарши насос станцияларининг электр қабул қилгичлари;

иккинчи тоифа – нефть ва нефть маҳсулотларини сақлаш ва истеъмолчиларга етказиш учун I ва II тоифа омборхоналари маҳсулот насос станцияларининг электр қабул қилгичлари;

учинчи тоифа – омборхоналарнинг электр таъминоти ишончлилиги бўйича биринчи ва иккинчи тоифаларига кирмайдиган барча бошқа электр қабул қилгичлари.

203. Электр қабул қилгичларнинг нефтни қайта ишлаш ҳамда нефть-кимё корхоналаридаги маҳсулот-хомашё омборхона (парк)ларининг магистрал нефтўтказгичлар ва нефть маҳсулот ўтказгичлар насос станциялари олдидаги резервуар парклари, шунингдек корхоналар (саноат, энергетика) таркибига кирувчи нефть маҳсулотлари омборхоналарининг электр таъминоти ишончлилигини таъминлаш тоифалари хоналар ва насос станцияларининг электр таъминоти ишончлилиги бўйича электр қабул қилгичларнинг тоифасини аниқлаш пайтида белгиланиши зарур.

204. Омборхоналарда табиий ва сунъий ёритиш тизимлари лойиҳаланиши лозим.

205. Омборхоналарда ташқи ёритгич ва хавфсизлик ёритигичи бўлиши керак.

Резервуар паркларини ёритиш учун резервуар паркининг ташқи тўсиғи (ўрамаси)дан бевосита ташқарида жойлашган миноралларда тшқи ёритиш чироқлари (прожекторлар) ўрнатилган бўлиши зарур.

206. I ва II тоифа омборхоналарининг сатҳи 250 m^2 дан катта маҳсулот насос станциялари хоналарида, шунингдек операторлар ва диспетчерлар учун хоналарда фавқулодда ёритиш таъминланиши керак.

207. Омборхоналарни телефон алоқаси билан жиҳозлаш зарур.

208. Омборхоналарда қуйидагилар автоматик ёнғин сигнализацияси билан жиҳозланиши лозим:

магистрал нефть маҳсулоти ўтказгичларининг омборхоналари, резервуар паркларидаги маҳсулот насос станциялари, тутилган нефть ва нефть маҳсулотларининг ҳар бир сатҳи 300 m^2 дан кичик бўлган канализация насос станциялари биноларидаги насослар ва зулфинлар (задвижкалар) тугунлари бинолари;

магистрал нефтўтказгичларнинг резервуар парклари, маҳсулот насос станциялари биноларидаги станциянинг ишлаб чиқариш қобилияти 1200 m^3/h кичик бўлганда насослар ва зулфинлар (задвижкалар) қисмлари учун хоналар;

идишлардаги нефть маҳсулотлари учун сатҳи 100 дан 500 m^2 гача бўлган омборхона хоналари;

15 kg/m^2 дан ортиқ миқдорда нефть ва нефть маҳсулотлари бўлган, сатҳи 100 дан 500 m^2 гача омборхоналарнинг қуйиш, тарқатиш, қадоқлаш ва ишлаб чиқариш хоналари.

209. Омборхоналарда хавфсизлик сигнализацияси ўрнатилганда автоматик ҳимоя ёнғин сигнализацияси лойиҳаланиши лозим.

210. Омборхонанинг автоматик ёнғин сигнализацияси қурилмаларини ўрнатиш назарда тутилмайдиган бинолар ва иншоотлара қўл ёрдамида бошқариладиган (ишга тушириладиган) электр ёнғин сигнализацияси билан жиҳозланиши лозим.

211. Автоматик ёнғин ўчириш тизимининг турғун қурилмалари билан жиҳозланган омборхоналарнинг бинолари ва хоналарини, шунингдек энг яқин ёнғин қисми билан доимий (сутка давомида одамлар бўладиган) телефон алоқаси билан жиҳозланган III тоифа омборхоналарининг бинолари ҳамда хоналарини автоматик ёнғин сигнализацияси билан жиҳозламасликка йўл қўйилади.

212. Омборхоналарни лойиҳалашда ЭҚТҚга мувофиқ статик электрдан ҳимоя таъминланиши зарур.

213. Омборхоналарда катод ҳимоя станцияларини лойиҳалашда технологик ускуналарнинг ерга уланиши инобатга олиниши керак.

214. Омборхоналарда уларни қабул қилиш, тарқатиш ва сақлаш (маҳсулот сатҳи, ҳароратини ўлчаш) жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш таъминланиши зарур.

215. Нефть ва нефть маҳсулотлари магистрал қувурўтказгичлар орқали омборхоналарга етказилганда (транспортировка қилинганда) ушбу қувурўтказгичлар ортиқча босим таъсиридан ҳимоя қилинган бўлиши керак.

13-боб. Иккинчи гуруҳ омборлари.
1-§. Иккинчи гуруҳ омборларини лойиҳалаш талаблари

216. Корхоналар таркибига кирувчи омборхоналарда енгил алангаланувчи ва ёнувчан нефть маҳсулотларини қуйидаги жадвалда келтирилган резервуарларда ҳамда идишларда сақлашга йўл қўйилади.

6-жадвал

Нефть маҳсулотлари	**Омборхона сиғими, m^3 қуйидагича сақлашда**	
	ер устида	**ер остида**
Енгил алангаланувчи	2000	4000
Ёнувчан	10000	20000

Изоҳлар:

1. Енгил алангаланувчи ва ёнувчан нефть маҳсулотларини бир вақтнинг ўзида ер устида ва ер остида сақлашда ушбу маҳсулотларни сарфлашга мўлжалланган омборхонанинг умумий келтирилган сиғими мазкур жадвалда келтирилган сиғимдан ортиқ бўлмаслиги, бунда келтирилган сиғим қуйидагича аниқланиши керак: енгил алангаланувчи нефть маҳсулотининг 1 m^3 ёнувчан нефт маҳсулотининг 5 m^3 га тенглаштирилади ҳамда ер устида сақлашда резервуарлар ва идишлар ҳажмининг 1 m^3 ер остида сақлашда резервуарлар ва идишлар ҳажмининг 2 m^3 га тенглаштирилади;

2. Умумий келтирилган сиғимни аниқлашда қуйидагилар ҳисобга олинмайди:

оралиқ резервуарлар (қуйиш-тўкиш эстакадалари ёнидаги);

оқиб тушган нефт маҳсулотлари йиғиладиган резервуарлар ишлаб чиқариш канализацияси ёки ишлаб чиқариш ва ёмғир сувлари оқизиладиган канализацияда тутиб қолинган нефт маҳсулотлари йиғиладиган резервуарлар (жадвалда кўрсатилганидан каттароқ сиғимли иккинчи гуруҳ омборхоналарини лойиҳалаш I гуруҳ омборхоналарини лойиҳалаш талаблари бўйича амалга оширилиши керак).

217. I ва II даражали оловгабардошли ишлаб чиқариш биноларида мазкур ШНҚнинг 7-жадвалида келтирилган миқдорларда нефть маҳсулотлари сақлашга йўл қўйилади.

218. Иккинчи гуруҳ омборхоналарида нефть маҳсулотларини сақлаш ва тақсимлаш хоналари, нефть маҳсулотларини идишларда ва резервуарларда сақлаш омборнинг хоналари, мой регенерация қурилмалари, маҳсулот насослари, қуйиш, қадоқлаш ва тарқатиш хоналари, идиш ювиш, эмулсол қайнатиш, тозаловчи материаллар регенерацияси, бўш идишларни сақлаш, лабораторияларни ушбу ШНҚнинг 11-бандига асосан битта бинода жойлаштирилиши керак.

219. Маҳсулот ҳайдаш насослари ҳамда нефть маҳсулотларини идишларда ва резервуарларда сақлаш хоналари қолган хоналардан оловбардошлик чегараси камида 0,75 h бўлган ёнмайдиган тўсиқлар билан ажратилиши лозим.

Мазкур тўсиқларнинг эшик ўринларида оловбардошлик чегараси камида 0,6 h бўлган ўзи ёпилувчи эшиклар ва баландлиги 0,05 m бўлган остоналар (пандус) бўлиши зарур.

7-жадвал

Сақлаш шароитлари	**Нефть маҳсулотлари миқдори (резервуарлар ва идишларда), m^3**	
	енгил алангаланувчи	**ёнувчан**
Қўшни хоналарда оловбардошлик чегараси 0,75 h бўлган ёнмайдиган тўсиқлар билан бўлинган ва ташқарига чиқиш жойига эга бўлган махсус хонада	30	150
Г ва Д тоифали ишлаб чиқариш хоналарида	1	5
Ер ости хоналарида	йўл қўйилмайди	300

Изоҳлар:

1. Сарф резервуарлари мотор синаш станцияларидан ташқарида ўрнатилиши керак.

2. Енгил алангаланувчи нефть маҳсулотлари учун бирлик ва умумий сиғими 1 m^3 дан ортиқ ҳамда ёнувчи нефть маҳсулотлари учун бирлик ва умумий сиғими 5 m^3 дан ортиқ бўлган ер усти сарф резервуаларидан (ишлаб чиқариш биноларига ўрнатиладиган ва сарф оборига тегишли бўлган) мазкур маҳсулотларни оқизиш учун авария ер соти резервуар ёки ушбу маҳсулотларни маҳсулот насоси ёрдамида омборнинг асосий резевурларига оқизиш (бўшатиш) назарда тутилиши керак.

3. Авария резервуари (унинг ичига нефт маҳсулотлари ўз оқими билан оқиб тушади) эшик, дераза ўринлари ва бошқа оралиқларга эга бўлмаган девордан камида 1 m масофада ҳамда эшик, дераза ўринлари ва бошқа оралиқларга эга бўлган деворлардан 5 m масофада (бино ташқарисида) ер остига жойлаштирилиши зарур. Нефть маҳсулотлари омборнинг аосий резервуаларига ўз оқими билан оқиб тушгандамахсус авария резервуарини лойиҳаламасликка йўл қўйилади. Авария резервуарининг ҳажми (сиғими)сарф омборининг ишлаб чиқариш биноларига ўрнатиладиган барча сарф резервуарлари жамланган сиғимининг 30 фоизидан кам бўлмаслиги ва энг катта резервуар сиғимидан кам бўлмаслиги керак.

4. Сарф резервуарларини авария резервуари билан улайдиган ҳар бир авария қувурўтказгичида бино ташқарисида ёки биринчи қаватда (ташқарига чиқиш эшиги яқинида) ўрнатиладиган ёпиш қурилмаси бўлиши керак.

5. Нефт маҳсулотлари ўз оқими билан оқадиган авария қувурўтказгичларини улар ичидан аланга кўчишининг олдини олувчи қурилмалар билан жиҳозлаш ва мазкур қувурўтказгичларнингдиаметри 100 mm дан кам бўлмаслиги лозим. Авария вақтида нефт маҳсулотларининг оқизилишини таъминлайдиган масҳсулот насосларини резервуарлар жойлашган хоналардан ажратилган алоҳида хонага жойлаштириш лозим.

6. Мойлар сақланадиган резервуарлар ва идишлар ертўла хоналарида жойлаштирилганда уларнинг миқдорини 400 m^3 гача оширишга йўл қўйилади.

7. Енгил алангаланувчи ва ёнувчан нефть маҳсулотларининг бугларини резервуардан ушбу резервуар ўрнатилган хонага чиқаришга йўл қўйилмайди.

220. Омборхоналардан корхоналарнинг турар жой ва жамоат биноларигача масофани ШНҚ 2.07.01-23 га мувофиқ белгилаш керак.

221. Корхоналарнинг тўсилган майдончаларида жойлашган омборхоналар алоҳида тўсиққа эга бўлмаслиги лозим.

222. Нефть маҳсулотлари учун ер усти резервуарларидан омборхоналарнинг бинолари ва бошқа иншоотларигача масофа қуйидаги 8-жадвал бўйича қабул қилиниши керак.

8-жадвал

Бинолар ва иншоотлар ўрнашган жойларга қадар ўлчанадиган масофа	**Нефть маҳсулотлари учун ер усти резервуарларигача масофа, m**	
	алангала-нувчан	**ёнувчан**
1. Маҳсулот насос станциялари, қуйиш, қадоқлаш ва тарқатиш бинолари ва майдончалари	10	8
2. Идишларда нефть маҳсулотларини сақлаш учун темир йўл ва автомобиль цистерналарига оқизиш-қуйиш омборхона бинолари ва майдончалари, омборхонанинг бошқа бинолари ва иншоотлари	15	10
3. Электр узатиш ҳаво тармоқлари	ЭҚТҚ га мос тарзда	
Изоҳлар: *1. Жадвалнинг 1 ва 2-бандларида келтирилган масофаларни ер ости резервуарлари ҳолида 50 фоизга камайтириш керак.* *2. Ёнувчан нефть маҳсулотлари ер ости резервуарларидан ҳамда алангаланиш ҳарорати 120 °С дан юқори бўлган нефть маҳсулотлари учун ер усти резервуарларидан маҳсулот насос станцияларигача масофалар нормаланмайди;* *3. Ер ости резервуарларини бошқариш ва назорат қилиш пунктлари хоналарини шу резервуарларга бевосита яқин жойлаштиришга йўл қўйилади.*		

223. Сарф омборларида маҳсулот насос станциялари ва нефть маҳсулотларини идишларда сақлашга мўлжалланган омборхона биноларидан енгил алангаланувчи нефть маҳсулотлари учун мўлжалланган қуйиш-тўкиш қурилмаларигача бўлган масофа камида 10 m, ёнувчан нефть маҳсулотлари учун мўлжалланган қуйиш-тўкиш қурилмаларигача бўлган масофа 8 m бўлиши керак.

224. Ер усти резервуарларидан, нефть маҳсулотларини идишларда ва резервуарларда сақлашга мўлжалланган омборхона биноларидан, маҳсулот насос станцияларидан, темир йўл ва автомобиль цистерналари учун оқизиш, қадоқлаш ва тарқатиш, тўкиш-қуйиш қурилмаларидан, нефть маҳсулотлари учун қуйиш (оралиқ) резервуарларидан темир йўл ва автомобиль йўлларигача бўлган масофа ушбу ШНҚнинг 9-жадвалига мувофиқ белгиланиши лозим.

225. Сарф омборининг нефть маҳсулотларини тарқатиш устунлари (колонкалари)дан корхонанинг бинолари ва иншоотларигача бўлган масофа ушбу ШНҚнинг 10-жадвалига мувофиқ белгиланиши зарур.

226. Аҳоли пунктларидан ташқарида, шунингдек ёғоч тайёрлаш ҳудудларида жойлашган корхона ва қурилиш майдончаларида 12 m^3 дан ортиқ бўлмаган миқдорда енгил алангаланувчи нефть маҳсулотларини сақлаш учун мўлжалланган иншоотларни ёки 60 m^3 дан ортиқ бўлмаган миқдорда ёнувчи нефть маҳсулотларини сақлаш учун мўлжалланган иншоотларни камида 0,2 m қалинликда зичланган грунт қатлами билан ёпиш зарур.

9-жадвал

Йўлларгача белгиланадиган масофа	**Нефть маҳсулотлари бинолари ва иншоотларигача масофа, m**	
	енгил алангаланувчи	**ёнувчан**
Умумий тармоқ темир йўл излари ўқигача	50	30
Корхонанинг ички темир йўл излари ўқигача	20	10
Умумий тармоқ автомобиль йўлларининг юриш йўли четигача	15	10
Корхона ички автомобиль йўлларининг юриш йўли четигача	10	5
Изоҳлар: *1. Ер ости резервуарлари ҳолида жадвалда кўрсатилган масофаларни 50 фоизга камайтириш керак.* *2. Алангаланиш ҳарорати 120 °С дан юқори бўлган идишлардаги нефть маҳсулотлари учун омборхона биноларидан корхонанинг ички темир йўл изларигача масофани қурилмаларнинг темир йўл изларига яқинлашиши ўлчамларига кўра ГОСТ 9238-2013 га мувофиқ қабул қилишга йўл қўйилади.*		

10-жадвал

Масофа қабул қилинадиган бинолар ва иншоотлар	**Тарқатиш устунларидан масофа, m**
I, II ва III даражали оловбардошли биноларнинг бўш оралиқларга эга бўлмаган деворларидан	3
I, II ва III даражали оловбардошли биноларнинг бўш оралиқларга бўлган деворлардан	10
IV ва V даражали оловбардошли бинолар	20
Омборхонанинг ер усти резервуарлари	8-жадвал бўйича
Тарқатиш устунларига хизмат қилувчи ер ости резервуарлари, қувурўтказгичлар ва кабеллар (минораларга ўтказилганидан ташқари)	4

Корхонанинг темир йўл излари (из ўқигача)	10
Изоҳ. Локомотивларни таъминлаш учун суюқ ёқилғи ва мойлар тарқатиш устунларини қурилмаларнинг темир йўл изларига яқинлашиш ўлчамларига риоя қилган ҳолда ГОСТ 9238-2013 бўйича жойлаштиришга йўл қўйилади.	

227. Иккинчи гуруҳ омборхоналарида резервуарларни совутиш ва ёнғинни ўчириш учун сув беришни корхонанинг ташқи сув ўтказгичидан бериладиган сувнинг ҳисобланган сарфини ҳамда тармоқда зарурий эркин қисув таъминланганда ёки ушбу ШНҚнинг 149-бандига мувофиқ таъминланиши керак.

228. Иккинчи гуруҳ омборхоналарини лойиҳалашда ушбу боб талабларидан ташқари биринчи гуруҳ III-тоифа омборхоналарини лойиҳалашда мазкур ШНҚнинг 31-банди ҳисобга олиниши лозим.

14-боб. Нефть ва нефть маҳсулотлари омборларида ёнғин хавфсизлиги талаблари

1-§. Ёнғин сигнализацияси тизимлари

229. Бинолар, иншоотлар, хоналар ҳамда омборлар автоматлаштирилган ёнғин сигнализацияси қурилмалари билан жиҳозланиши керак.

230. Омборлар қўлда бошқариладиган ёнғин хабарлагичли электр ёнғин сигнализация тизими билан жиҳозланиши лозим.

231. Омбор ҳудудида қўл ёнғин хабарлагич сигнализацияси қуйидагилар учун ўрнатилиши зарур:

портлаш, портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўйича А, Б, ва В тоифалардаги бинолар учун биноларнинг ташқарисида, кириш жойларида ва периметр бўйлаб ҳар 50 m дан кўп бўлмаган масофада;

резервуар парклари ва нефть маҳсулотларини идишларда сақлаш учун мўлжалланган очиқ майдонларда тўсиқ (тўсувчи девор) периметри бўйлаб ҳар 150 m дан кўп бўлмаган масофада;

чақнаш ҳарорати 120 °С дан юқори бўлган нефть маҳсулотлари ва бошқа нефть маҳсулотларини сақлаш жойларида 100 m дан ортиқ бўлмаган масофада;

тўкиш-қуйиш эстакаданинг чеккаларида ва унинг узунлиги бўйлаб камида ҳар 100 m да, бироқ иккитадан кам бўлмаган ҳолда эстакадаларга хизмат кўрсатиш зиналари ёнида;

портловчи ва ёнғин хавфи бўлган ташқи технологик қурилмаларда саноат тармоқларини ўрнатиш периметри бўйлаб 100 m дан ошмаган ҳолда;

қўлда бошқариладиган ёнғин детекторлари 5 m дан ортиқ бўлмаган масофада;

паркнинг қулаш чегарасидан ёки ташқи чегарасидан ҳамда қуйиш ва тўлдириш эстакадаларидан 20 m дан ошмайдиган масофада.

232. Ёнғин сигнализацияси тизимининг қабул қилиш ва бошқариш мосламалари омборга, сутка давомида навбатчиликни олиб борувчи ходимлар жойлашган хонага жойлаштирилиши зарур.

Ёнғин ва бошқа фавқулодда вазиятлар ҳақида хабар бериш тизимлари ШНҚ 2.04.09-07 талабларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

2-§. Ёнғинни ўчириш ва сув билан совутиш тизимларига қўйиладиган умумий талаблар

233. Омборларда ёнғинга ўчириш ва сув билан совутиш тизимлари лойиҳаланиши лозим.

234. Омборхоналарнинг бино ҳамда иншоотлари учун ёнғин ўчириш ва совутиш тизимларини лойиҳалашда ёнғинга қарши сув ўтказмаси (водопровод) тармоқлари ва ушбу тармоқлар учун мўлжалланган иншоотларга қўйиладиган талаблар инобатга олиниши керак.

235. Ҳажми 5000 m^3 ва ундан ортиқ ер усти нефть ҳамда нефть маҳсулотлари резервуарлари, шунингдек ушбу ШНҚнинг 239-бандида келтирилган бинолар ва омборхоналар учун ёнғинни автоматик ўчириш тизимлари лойиҳаланиши зарур.

236. III тоифа омборларида 5000 m^3 ҳажмдаги иккита ер усти резервуарлари мавжуд бўлганда, ушбу резервуарлардаги ёнғинни (резервуарларга стационар қурилмаларни ўрнатиш шарти билан) аланга ўчирувчи моддани узатиб бериш учун мобил воситалар (кўпик генераторлари, кўпик пуркагич ёки карбонад ангидридни узатиш мосламалари, бошқа қурилмалар) ва тўсиқ ташқарисига чиқарилган қуруқ қувурўтказгичлардан фойдаланиб ўчириш лозим.

237. I ва II тоифадаги омборларда 5000 m^3 ва ундан ортиқ ҳажмдаги ер ости резервуарлари, темир йўл ва автомобиль цистерналари учун қуйиш-тўлдириш қурилмалари учун стационар ёнғин ўчириш мосламалари (автоматик бўлмаган) лойиҳаланиши зарур.

238. Оч рангли нефть маҳсулотларини темир йўл цистерналарига автоматлаштирилган ҳолда қуйишга мўлжалланган қурилмаларни лойиҳалашда ушбу цистерналарни ёнғинга қарши ҳимоялаш учун қуйиш зонасида автоматлаштирилган стационар ўт ўчирувчи модданинг қопқоғи герметик ёпиладиган цистернанинг бевосита бўғзигача тўлишини таъминлайдиган (масалан, карбонад ангидрид, азот ёки бошқа нейтрал газли) ўт ўчириш тизими инобатга олиниши зарур.

239. Бинолар, иншоотлар, нефть ва нефть маҳсулотларини сақлаш бинолари ҳамда ускуналари автоматлаштирилган ёнғинга қарши қурилмалар билан жиҳозланиши зарур.

Ёнғинга қарши қурилмаларни бошқариш аппаратурасига, сигнализацияга қўйиладиган умумий талаблар, ёнғин хабарлагичлари турларини танлаш, ёнғин сигнализациясининг назорат зоналарини ташкил этишга қўйиладиган талаблар, хабарлагичларни жойлаштириш, ёнғин сигнализацияси тизимларининг бино ҳамда иншоотларнинг технологик ва электротехник ускуналари билан ўзаро боғлиқлиги ШНҚ 2.04.09-07 га мувофиқ белгиланиши лозим.

240. Омборларнинг бино ва иншоотлари ушбу ШНҚнинг 11-жадвалида келтирилган автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

11-жадвал

Омбор бинолари	**Автоматлаштирилган ўт ўчириш қурилмалари билан жиҳозланадиган хоналар**
Маҳсулот насос станцияларининг бинолари (магистрал нефть қувурларининг резервуар парклари бундан мустасно), тозаланмаган (нефть ва нефть маҳсулотлари аралашган) саноат оқова сувлари ҳамда тутиб қолинган нефть ва нефть маҳсулотларини оқизиш (ҳайдаш) учун канализация тизимига эга бўлган насос станцияларининг бинолари	насослар ҳамда зулфинлар (задвижкалар)нинг тугунлари учун пол майдони 300 m^2 ва ундан ортиқ бўлган хоналар
Магистрал нефть қувурлари резервуар паркларининг насос станциялари бинолари	унумдорлиги 1200 m^3/h ва ундан ортиқ станциялардаги насос ва зулфинлар (задвижкалар) учун хоналари
Нефть маҳсулотларини идишларда сақлашга мўлжалланган омборхона бинолари	чақнаш ҳарорати 120 °c ва ундан кичик бўлган нефть маҳсулотлари учун майдони 500 m^2 ва ундан ортиқ бўлган омборларнинг хоналари, бошқа нефть маҳсулотлари учун майдони 750 m^2 ва ундан ортиқ бўлган омборларнинг хоналари
Омборхонанинг бошқа бинолари (қуйиш, қадоқлаш)	майдони 500 m^2 ва ундан ортиқ ишлаб чиқариш хоналари (ичида 15 kg/m^2 дан кўп миқдорда нефть ва нефть маҳсулотлари сақланадиган)

241. Ҳажми 5000 m^3 бўлган ер ости ва ер усти резервуарлари, майдончаларда жойлашган маҳсулот насос станциялари, III тоифа омборларидаги темир йўл ва автомобиль цистерналари учун тўкиш-қуйиш эстакадаларида, шунингдек омборларнинг ушбу ШНҚнинг 239-бандида келтирилган бинолари ва хоналари учун (ушбу хоналарнинг майдонлари ҳамда насос станцияларининг унумдорлиги ушбу ШНҚнинг 11-жадвалида келтирилганлардан кам бўлмаганда) модулли ёнғин ўчириш воситалари бўлиши керак.

Бунда, ҳажми 1000 дан 5000 m^3 гача бўлган резервуарларда ўт ўчириш моддасини узатиш қурилмалари (кўпик генераторлари, кўпик чиқаргичлар ёки карбонад ангидридни етказиб бериш учун насадкалар) ўрнатилган бўлиши, ушбу қурилмалар қуруқ қувурўтказгичларга ва грунтли тўсиқдан ташқарида жойлашган бўлиши лозим.

242. Автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозланган бинолар ва хоналарда ички ёнғинга қарши сув ўтказмаси (водопровод) бўлмаслигига йўл қўйилади.

243. Кўпик ҳосил қилувчи модданинг ва эритма тайёрлаш учун сувнинг захирасини (ёнғинни ўчириш қурилмасининг туридан қатъий назар) битта ёнғин учун эритманинг уч баравар (карра) сарфланишини ҳисобга ҳолда белгилаш зарур.

244. Ҳажми 5000 m^3 ва ундан ортиқ бўлган ер усти резервуарлари стационар совутиш қурилмалари билан жиҳозланиши лозим.

245. Ёнмайдиган материаллардан тайёрланган иссиқлик изоляциясига эга бўлган резервуарлар учун стационар совутиш қурилмаси ёнғинга қарши сув ўтказмаси (водопровод)га уламасликка йўл қўйилади, бунда қуруқ қувурўтказгичларни грунтли тўсиқлардан ташқарига чиқариш ва уларни бириктирувчи каллаклар ҳамда боши берк ёпгич (заглушка)лар билан жиҳозлаш зарур.

246. Ҳажми камида 5000 m^3 бўлган ер усти ва ҳажми 400 m^3 дан катта бўлган ер ости резервуарларини модулли ёнғин ўчириш қурилмалари билан совутиш керак.

I ва II тоифа омборларида темир йўл цистерналарини, эстакадалардаги тўкиш-қуйиш қурилмаларини совутиш учун стационар ташиш дастаклари билан таъминлаш зарур.

247. Ҳажми 5000 m^3 дан кичик бўлган резервуарлар жойлаштирилган III тоифа омборларида ёнғинга қарши сув сув ўтказмаси (водопровод)ни лойиҳаламасликка йўл қўйилади, ёнғинга қарши сиғим (резервуар)лардан ёки очиқ сунъий ва табиий сув ҳавзаларидан мобилли ёнғин ўчириш воситалари ёрдамида совутиш ва ёнғин ўчиришга сув берилиши лозим.

248. Омбордаги ёнғинни ўчиришга ҳисобланган сув сарфи учун қуйидаги сарфлардан энг юқориси қабул қилиниши керак:

резервуарлардаги ёнғинни ўчириш ва уларни совутиш учун (битта резервуардаги ёнғинни ўчириш учун энг кўп сарфидан келиб чиққан ҳолда);

темир йўл цистерналари, тўкиш-қуйиш қурилмалари ҳамда эстакадалардаги ёнғинни ўчириш ва уларни совутиш ёки автомобиль цистерналари учун тўкиш-қуйиш қурилмаларидаги ёнғинни ўчириш учун;

омбор биноларидан биридаги ташқи ва ички ёнғинни ўчириш учун.

249. Ўчириш воситаларининг сарфи нефть ва нефть маҳсулотларини ўчириш учун уларни зарур бўлган ҳисобий майдонининг 1 m^2 юзасига етказиб бериш интенсивлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши зарур.

250. Ҳисобий ўчириш майдони қуйидагига тенг қилиб қабул қилиниши керак:

турғун (стационар) қопқоқли ер усти вертикал резервуарларда, понтонли резервуарларда – резервуар горизонтал кесимининг майдонига;

сузувчи қопқоқли резервуарларда – резервуар девори ва кўпикни чеклаш учун тўсиқ орасидаги ҳалқа кўринишидаги бўшлиқ (фазо) майдонига (кўпикни юқоридан берадиган автоматлаштирилган ёнғин ўчириш қурилмаларини ҳисоблашда) ва резервуар горизонтал кесимининг майдонига (уйғунлашган ёнғин ўчириш қурилмаларини ҳисоблашда (ўт ўчириш моддаси юқоридан берилганда) ёки мобилли ёнғин ўчириш воситалари қўлланилганда);

горизонтал резервуарларда – резервуарнинг режадаги майдонига;

ҳар бирининг ҳажми 400 m^3 гача ва умумий сиғими 4000 m^3 гача бўлган гуруҳлаб битта майдонда жойлашган резервуарлар учун – ушбу гуруҳ тўсиғининг чегараси ичидаги майдонга, бироқ бу майдон 300 m^2 дан ошмаслиги;

темир йўл тўкиш-қуйиш эстакадалари учун – иншоот, шунингдек темир йўл (йўллари)нинг ташқи контури бўйлаб эстакада майдонига, бироқ 1000 m^2 дан ошмаслиги;

автомобиль цистерналарининг қўйиш-тўлдириш қурилмалари учун – ёқилғи қуйиш оролчалари эгаллаб турган майдончанинг майдонига, бироқ 800 m^2 дан ошмаслиги;

нефть маҳсулотларини контейнерларда сақлаш учун омборхона биноларида (ички ёнғинни ўчириш учун) – энг катта омбор полининг майдонига;

маҳсулот насоси ва канализация насоси станцияларидаги қуйиш, қадоқлаш ва саноат биноларидаги ички ёнғинни ўчириш учун – нефть ва нефть маҳсулотлари мавжуд бўлганда ушбу ШНҚнинг 12-жадвалида келтирилганлардан энг катта хонанинг майдонига.

251. Ер усти вертикал резервуарларни совутиш учун сув сарфини ушбу ШНҚнинг 12-жадвалига кўра қабул қилинган сувни узатиш интенсивлигидан келиб чиқиб аниқлаш зарур.

Умумий сув сарфи ёнаётган ва гуруҳда унга қўшни бўлган резервуарни совутиш учун сарфланган сув миқдорининг йиғиндиси сифатида аниқланиши лозим.

12-жадвал

Резервуарларни совутиш тизими	Бир метр узунликка сувни узатиш интенсивлиги, l/s	
	ёнаётган резервуар айланаси	қўшни резервуар айланасининг ярми
Деворининг баландлиги қуйидагича бўлган резервуарларни совутиш учун турғун (стационар) совутиш қурилмаси: 12 m дан ортиқ бўлганда; 12 ва ундан кам бўлганда ҳамда сузувчи қопқоқли резервуарлар учун	 0,75 0,50	 0,30 0,20
Мобил ўт ўчириш воситалари	0,80	0,30

252. Сув сарфини ҳисоблашда ёнаётган резервуарга қўшни бўлган қуйидаги ер усти резервуарларини совутишга берилган сув ҳисобга олинмайди:

ёнмайдиган материаллардан тайёрланган иссиқлик изоляциясига эга бўлган резервуарлар, бунда майдончада ҳажми 10 000 m^3 гача бўлган резервуарлар учун камида 800 m^3 ҳажмда дахлсиз сув захираси, ҳажми 10 000 m^3 дан юқори бўлган резервуарлар учун 2000 m^3 ҳажмда дахлсиз сув захираси назарда тутилиши, бунда ҳажми 10 000 m^3 дан юқори бўлган резервуарлар орасидаги масофа 40 m гача оширилиши;

ёнаётган резервуардан иккита меъёрий масофадан ортиқ масофада жойлашганлиги.

253. Ҳажми 100 m^3 ва ундан ортиқ бўлган ер усти горизонтал (ёнаётган ва уларга қўшни бўлган) резервуарларни совутиш учун умумий сув сарфи камида 20 l/s га тенг қилиб белгиланиши лозим.

254. Ер ости (ёнаётган ва уларга қўшни бўлган) резервуарларини совутиш учун умумий сув сарфи энг катта резервуар ҳажмига тенг қилиб белгиланиши лозим:

400 дан юқори ва 1000 m^3 гача – 10 l/s;

1000 дан юқори ва 5000 m^3 гача – 20 l/s;

5000 дан юқори ва 30000 m^3 гача – 30 l/s;

30000 дан юқори ва 50000 m^3 гача – 50 l/s.

255. Темир йўл цистерналари, эстакадалардаги тўкиш-қуйиш қурилмаларини лафетли дастаклар билан совутиш учун умумий сув сарфини бир вақтнинг ўзида иккита лафетли дастакнинг ишлашини ҳисобга олган ҳолда камида 40 l/s га тенг қилиб белгилаш керак.

256. Лафет дастакларининг сони ва жойлашишини темир йўл цистерналари ҳамда эстакаданинг ҳар бир нуқтасини иккита ихчам оқим билан суғориш шартидан келиб чиқиб аниқлаш лозим.

257. Лафет дастакларини эстакада темир йўлларидан камида 15 m масофада ўрнатиш зарур.

258. Стационар ўт ўчириш лафет дастакларини ёнғин пайтида иссиқликнинг тарқалиш тезлигини камайтирувчи ҳимоя экранлари билан жиҳозлашга йўл қўйилади.

259. Ёнғин содир бўлганда ёнғинга қарши сув таъминоти тармоғининг эркин босими қуйидагича белгиланиши керак:

резервуарларни стационар қурилма билан совутишда – суғориш ҳалқасининг техник тавсифи бўйича, бироқ ҳалқа (ярим ҳалқа, секция) охирги тешигининг сатҳида камида 10 m;

резервуарларни мобил ўт ўчириш воситалари билан совутишда – ўт ўчириш дастакларининг техник тавсифи бўйича, бироқ камида 40 m.

260. Резервуарларни (ёнаётган ва унга қўшни бўлган резевуарларни) совутишнинг ҳисобий давомийлиги қуйидагича белгиланиши лозим:

ёнғинни автоматлаштирилган тизим билан ўчиришда ер усти резервуарлари учун – 4 h;

ёнғинни мобил ўт ўчириш воситалари билан ўчиришда ер усти резервуарлари учун – 6 h;

ер ости резервуарлари учун – 3 h.

261. Ёнғинга қарши сиғимлардаги дахлсиз сув захирасининг тикланиш вақти ёнғиндан кейин 96 h дан ошмаслиги зарур.

262. Резервуарлар, насос станциялари, нефть маҳсулотларини идишда сақлаш учун омборхона бинолари, қуйиш, қадоқлаш хоналарида ҳамда резервуарлар стационар совутиш қурилмалари билан жиҳозланганда ўт ўчириш постлари ёки ўт ўчириш жиҳозлари учун хоналар лойиҳаланиши лозим:

умумий сиғими 100 минг m^3 гача бўлган омборларда – ёнғин ўчириш ускуналари (жиҳозлари) ва ёнғин мотопомпалари учун камида 20 m^2 майдонга эга бўлган хона;

умумий сиғими 100 дан юқори ва 500 минг m^3 гача омборларда – битта автомобиль ўт ўчириш пости (захира автомобиль учун боксга эга бўлган);

умумий сиғими 500 минг m^3 дан ортиқ бўлган омборларда – иккита автомобиль учун ўт ўчириш пости.

263. Резервуарлар, бино ва иншоотлардаги ёнғинни стационар тизим (автоматлаштирилмаган) ва (ёки) модулли ёнғин ўчириш қурилмаси ёрдамида ўчириш назарда тутилган омборлар учун ўт ўчириш ускуналари (жиҳозлари) ҳамда ўт ўчириш техникаси учун ўт ўчириш деполари, постлари ёки хоналари (уларга ушбу техникани жойлаштиришни ҳисобга олган ҳолда) лойиҳаланиши керак.

Сейсмик ҳудудларда бино ва иншоотлар, ер ости омборларини қуриш, уларни сейсмий таъсирларга ҳисоблаш ҚМҚ 2.01.03-19 талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ёнғин тарқалишининг олдини олиш, ўт ўчириш ва қутқарув ишларида ШНҚ 2.01.02-04 талабларига, бино ёки иншоотларнинг портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўйича тоифалари, ташқи қурилмаларнинг ёнғин хавфи бўйича тоифалари ШНҚ 2.01.19-22 га мувофиқ аниқланиши лозим.

Резервуар парки таркибидаги резервуарларнинг геометрик ўлчамларини белгилашда, алоҳида резервуарлар ва уларнинг гуруҳларини ўзаро жойлаштиришда ҚМҚ 2.09.19-97 талабларини инобатга олиш зарур.

15-боб Атроф-муҳит муҳофазаси талаблари

264. Омборхоналарни қуриш жараёнида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш зарур.

265. Қуриладиган омборхона ва унинг объектлари ҳудудларида ҳамда уларга туташган ҳудудларда “яшил боғ” ва “яшил белбоғ”лар барпо этиш керак.

266. Объектлар яқинидаги йўл бўйларида дарахт кўчатларини камида 5 қатор қилиб экиш зарур.

ШНҚ 2.09.19-22 “Нефть ва нефть маҳсулотлари омборхоналари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
1-ИЛОВА

Омборлардан бино ва иншоотларигача бўлган масофа

Масофалар ўлчанадиган бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар	**Бинолар ва иншоотлардан бошлаб масофалар ўлчанадиган (m) омборхоналар тоифаси**	
	I	**II ва III**
1. Қўшни корхоналарнинг бино ва иншоотлари	100	40
2. Ўрмон массивлари:		
игнабаргли дарахтлар	100	50
тилоғочли дарахтлар	20	20
3. Ўрмон материаллари, торфлар толадор моддалар, пичан, похол учун омборхоналар	100	50
4. Умумий тармоқ темир йўллари:		
станцияларда	100	80
айрилиш ва саҳнларда	80	60
ҳаракат йўлида	50	40
5. Умумий тармоқдаги автомобиль йўллари:		
I, II ва III тоифали	50	30
IV ва V тоифали	30	20
6. Аҳоли пунктларининг турар жой ва жамоат бинолари	200	100
7. Умумий фойдаланишдаги авто ёқилғи қуйиш шохобчаларининг тарқатиш устунлари	30	30
8. Электр узатувчи ҳаво тармоқлари	ЭҚТҚ бўйича	

Изоҳлар:

1. Жадвалда кўрсатилган масофалар қуйидагича аниқланади: бинолар ва иншоотлар орасида (резервуарларни ҳам ҳисобга олган ҳолда) – ташқи деворлар орасидаги масофа тарзида;

умумий тармоқ темир ва автомобиль йўлларигача – тегишли йўллар тасмаси чегарасигача;

темир йўл цистерналари учун қуйиш ва тақсимлаш қурилмаларидан – қуйиш ва тақсимлаш эстакадали темир йўл изи ўқидан бошлаб;

майдончалардан (очиқ ёки соябон остида автомобиль цистерналари, насослар, резервуарлар ва бошқалар учун қуйма-тарқатма қурилмалар) – бу майдончаларнинг чегараларидан бошлаб.

2. Сиғими 50 минг m^3 дан ортиқ сиғимли II тоифа омборхоналарнинг биноларидан ва иншоотларидан масофаларни ушбу жадвалнинг 1-банди бўйича - 100 m, 6-банди бўйича – 200 m қилиб олиш лозим.

3. Омборхоналарни ўрмон массивларида жойлаштиришда, ушбу жадвалнинг 2-бандида кўрсатилган игнабаргли ўрмон массивигача масофани икки марта қисқартиришга йўл қўйилади.

4. Омборхоналар бинолари ва иншоотларидан торф очиқ жойлашган жойларигача масофани, агар ушбу жадвалнинг 3-бандида кўрсатилган тегишли тоифа омборхоналар бинолари ва иншоотларигача масофанинг ярми чамасида очиқ ётган торфни камида 0,5 m қалинликдаги грунт қатлами билан ёпиш шарти бажарилганда икки марта қисқартиришга йўл қўйилади.

5. Магистрал нефть ўтказгичлар ва нефть маҳсулот ўтказгичларининг насос станциялари резервуар паркларидан корхоналар бинолари ва иншоотлари, аҳоли пунктлари ва бошқа объектларгача масофани магистрал қувурўтказгичларни лойиҳалашда насос станциядан бошлаб ҳисоблаш керак.

6. Нефть ва нефть маҳсулотлари бинолари ва иншоотларидан электр қурилмаларигача (RU, TP, PP.) масофаларни ЭҚТҚ мувофиқ белгилаш зарур;

7. Нефть ва нефть маҳсулотларининг иккита ёнма-ён жойлашган омборхоналаридан ушбу жадвалда кўрсатилган бинолар, иншоотлар ва объектларгача масофани уларнинг тоифасини ҳар иккала омборнинг йиғинди сиғими бўйича аниқлаган ҳолда, ушбу жадвал бўйича айнан битта омборхона деб қабул қилиш керак.

8. Жадвалда кўрсатилган масофалар чегарасида, омборхоналар ҳудудларидан ташқарида тилоғоч навли дарахт-бута, боғдорчилик, полизчилик кўчатлари ўтқазиш ҳамда ёнмайдиган материалларнинг очиқ омборхоналарини жойлаштиришга йўл қўйилади.

Омбор бино ва иншоотларидан ўлчанадиган масофа

Масофалар ўлчанадиган омборхона бинолари, иншоотлари	**Ер устидаги резервуарлардан бошлаб масофалар ўлчанадиган омборхона тоифаси (m)**	
	I	**II ва III**
1. Темир йўл цистерналари учун қуйиш-тўкиш қурилмалари (темир йўл қуйиш-тўкиш эстакадалари), идиш (бочка)ларга қуйилган нефть маҳсулотлари учун омборхона бинолари	30	20
2. Автомобиль цистерналари (автоцистерналар) учун қуйиш-тақсимлаш қурилмалари, маҳсулот насос станциялари, маҳсулот насос станциялари сурмалари қисмлари учун бинолар ва майдончалар, ишлаб чиқариш оқова сувлари (нефть ва нефть маҳсулотларига эга бўлган канализация насос станциялари, қуйиш-тақсимлаш ва тарқатиш мойлари, нефть маҳсулотларини резервуарда сақлаш ва резервуарларни сақлаш учун (ишлатилган ёки ёнадиган тоза ёғочдан, пластмассадан) майдончалар, ишлатилиб бўлинган нефть маҳсулотларини йиғиш пунктлари бинолари	30	15
3. Сув ўтказиш ва ёнғинга қарши насос станциялари, ёнғин-қутқарув депоси ҳамда постлари, ёнғинга қарши сув резервуарлари (идиш юклаш ёки ҳовуздан сув олиш жойларигача) ёрдамчи бинолар	40	40
4. Ишлаб чиқариш оқова сувларини (нефть ва нефть маҳсулотлари бўлган) тозалаш канализация иншоотлари:		
тиндиргич ҳовузлар, буғлатгич ҳовузлар, шлам-йиғгичлар	30	30
флотция қурилмалари, ҳажми 400 m^3 ва ундан ортиқ бўлган тиндиргич-идишлар ва нефть тутқичлар	30	30
флотция қурилмалари, ҳажми 400 m^3 ва ундан ортиқ бўлган тиндиргич-идишлар ва нефть тутқичлар ҳажми 100 дан 400 m^3 гача	15	15

флотция қурилмалари, ҳажми 400 m^3 ва ундан ортиқ бўлган тиндиргич-идишлар ва нефть тутқичла, ҳажми 100 m^3 гача	10	10
5. Очиқ аланга қўлланиладиган (нефтни иситиш учун қозонхоналар, пайвандлаш жараёнлари ва ишлаб чиқариш жараёни кечадиган бинолар ва иншоотлар:		
енгил алангаланувчи нефть ва нефть маҳсулотлари бўлими резервуарларидан бошлаб	60	40
ёнувчи нефть ва нефть маҳсулотлари бўлган резервуарлардан бошлаб	60	30
6. Омборхонанинг бошқа бинолари ва иншоотлари	20	20
7. Электр узатувчи ҳаво тармоқлари	ЭҚТҚ бўйича	
8. Автомобиль йўллари ва кичик йўллар (қатнов йўлининг чети)	15	9

Изоҳлар:

1. Ер усти резервуарларидан бинолар ва иншоотларгача оловбардошлик чегараси камида 2 h бўлган туташ (бўш оралиқларсиз) девор томонидан масофаларни 10 фоизга камайтиришга йўл қўйилади.

2. Ҳар бирининг ҳажми 5000 m^3 дан кам бўлган III тоифа омборхоналарbнинг ер усти сиғимлари учун шу сиғимлардан автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозланган бинолар ва иншоотларгача (жадвалнинг 4 ва 6-бандларида кўрсатилганлардан ташқари) масофани 25 фоизгача қисқартиришга йўл қўйилади.

3. Ер ости резервуарларидан бошлаб ушбу жадвалда кўрсатилган масофаларни 1–3, 5,7 ва 9-бандлари бўйича 50 фоизга қисқартиришга йўл қўйилади.

Ер остидаги резервуарлардан чуқурда жойлаштирилган маҳсулот насос станцияларигача туташ (бўш оралиқларсиз) деворлар томонидан масофаларни 3 m гача камайтиришга йўл қўйилади.

4. Мойларни тортувчи насос агрегатларини мойли идишлардан 5 m масофада жойлаштиришга йўл қўйилади.

Портлашдан ҳимояланган ботирма электр насосларни бевосита идишлар ичида жойлаштиришга йўл қўйилади.

5. Нефть ва нефть маҳсулотлари резервуарларидан тоза металл идишлар сақланадиган майдончаларгача, шунингдек канализация тозалаш иншоотларидан (нефт тутқичлар, тиндиргич ҳовузлар ва бошқалардан) йиғгич-идишларгача ва ушбу иншоотлардан олиб кетилувчи чўкмалар майдончаларигача масофалар нормаланмайди.

6. Магистрал нефть ўтказгичлар станциясининг ишлаб чиқариш қобилияти 10 000 m^3/h ва ундан ортиқ бўлган I тоифа омборхоналаридаги насос станциялари резервуарларидан ушбу жадвалнинг 6-бандида кўрсатилган масофаларни 80 m га тенг қилиб қабул қилиш керак.

ШНҚ 2.09.19-22 “Нефть ва нефть маҳсулотлари омборхоналари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
3-ИЛОВА

Омборхона нефть ва нефть маҳсулотларини ташиш қувурларидан бошлаб горизонтал бўйлаб ўлчанган масофа

Масофалар аниқланадиган бинолар, иншоотлар ва муҳандислик тармоқлар	Қувурўтказгичлардан энг кичик масофа, m	
	ер устида	ер остида (каналларда)
1. Омборхонанинг бинолари ва иншоотлари пойдеворлари (нефть ва нефть маҳсулотлари учун резервуарлардан ташқари)	3 (0,5)	3
2. Нефть ва нефть маҳсулотлари учун резервуарлар	3	4 m, бироқ идиш пойдеворигача ҳандақ чуқурлигидан кам эмас
3. Омборхона тўсиқлари, ёритиш мачталари, йўллар таянчлари, эстакадалар, қувурўтказгичлар, контакт тармоқлари ва боғланиш пойдеворлари	1	1,5
4. Кенглиги 1520 mm ли темир йўл излари ўқи	4	4 m, бироқ тўкма пайигача ҳандақ чуқурлигидан кам эмас
5. Автомобиль йўллари:		
ҳошия тош	1,5	1,5
ариқнинг ташқи чети ёки тўкма пойи	1	2,5
6. Электр узатувчи ҳаво тармоқларининг таянчлари пойдеворлари:		
1 kV гача ва ташқи ёритиш	1	1,5
1 дан 35 kV гача	5	5
35 дан юқори	10	10
7. Сув ўтказгич, канализация, зовурлар ва сув новлари	1,5	1,5
8. Иссиқлик ўтказгичлар (каналнинг ташқи деворигача)	1	1
9. 35 kV гача кабеллар ва алоқа кабеллари	1	1

Изоҳлар: *1. Қавс ичида бўш оралиқлари бўлмаган девор томонидан бинолар пойдеворларигача масофа кўрсатилган.* *2. Мазкур жадвалда кўрсатилган нефть ва нефть маҳсулотлари учун қувурўтказгичлардан темир йўл ўқларигача, шунингдек ушбу жадвалнинг 1 ва 2-бандларида келтирилган бинолар ҳамда иншоотларгача масофалар тегишлича темир йўл қуйиш-тақсимлаш эстакадалари қувурўтказгичлари ва бу қувурўтказгичлар бинолар ҳамда иншоотларга (тармоғига) оид эмас, иссиқлик ўтказгичларгача масофалар эса, нефть, мазут ва мой қувурўтказгичларининг технологик талабларида назарда тутилган иситиш тизимларига оид эмас.*		

ШНҚ 2.09.19-22 “Нефть ва нефть маҳсулотлари омборхоналари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
4-ИЛОВА

Стационар автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозланадиган хоналар

Омборхона бинолари	**Автоматик ёнғин ўчиришнинг бир қатор қурилмалари билан жиҳозланадиган хоналар**
1. Омборхоналар, бош нефть маҳсулотлари ўтказгичлари резервуар парклари ва тозаланмаган ишлаб чиқариш оқова сувларини (нефть ва нефть маҳсулотлари бўлган) ҳамда йиғиб олинган нефть ва нефть маҳсулотларини ҳайдаш учун канализация насос станцияларидан ташқари маҳсулот ҳайдаш насос станциялари бинолари	Насослар ва сўргичлар қисмлари учун тўшамаси юзаси 300 m^2 ва ундан ортиқ бўлган хоналар
2. Бош нефть ўтказгичларнинг резервуар парклари насос станциялари бинолари	Ишлаб чиқариш қобилияти 1200 m^3/h ва ундан ортиқ бўлган станциялардаги насослар ҳамда сўргичлар қисмлари учун хоналар
3. Идишларга солинган нефть маҳсулотлари учун омборхона бинолари	Алангаланиш ҳарорати 120 °С ва ундан паст бўлган нефть маҳсулотлари учун 500 m^2 ва ундан ортиқ юзали ҳамда бошқа нефть маҳсулотлари учун 750 m^2 ва ундан ортиқ
4. Омборхонанинг бошқа бинолари (қуйиш, қадоқлаш, тарқатиш)	Катта юзали омборхона хоналари 15 kg/m^2 дан ортиқ миқдорда нефть ва нефть маҳсулотлари бўлган 500 m^2 дан ортиқ юзали ишлаб чиқариш хоналари